



ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА

ВАЗИФАЛАРНИ ҚУНТ, ИЛМ,
АҚЛ БИЛАН БАЖАРСАК,
КЎЗЛАНГАН МАҚСАДЛАРГА,
АЛБАТТА, ЭРИШАМИЗШерзод КУДБИЕВ,
Давлат солиқ қўмитаси
раиси

Бу борадаги чора-тадбирларни бажариш учун қарийб 30 триллион сўм, 2 миллиард 600 миллион АҚШ доллари ва 57 миллион евродан зиёд маблағ йўналтирилиши кўзда тутилган. Президентимиз қайд этганидек, бу дастурни хануз давом этаётган

Президентимизнинг жорий йил 3 февралдаги фармони билан тасдиқланган “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастурининг асосий мақсади ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, иқтисодиётни ривожлантириш орқали халқ фаровонлигини оширишга қаратилган.

пандемия шароитида, глобал инқироз кучайиб бораётган мураккаб бир вазиятда амалга оширишимизга тўғри келади.

Ушбу Давлат дастурининг 12 та бандида Давлат солиқ қўмитасига тегишли вазифалар қайд этилган. Қўмита шундан 5 таси бўйича асосий ишлари, 4 тасида ҳамкор сифатида ўзига юклатилган вазифаларни бажаради. 3 таси бўйича эса ДСҚ ҳузуридаги Кадастр агентлиги ҳамкорчи қилиб белгиланган.

Бунда, энг аввало, солиқ маъмурчилигини кейинги сифат босқичга чиқариш бўйича устувор равишда соҳани рақамлаштириш ҳамда “солиқчи — қўмакчи” таъмоили асосида тадбиркорлик

субъектларини янада қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирлар ўрин олган.

Шу боис, фармонга биноан, कोरोनाвирус пандемияси шароитида тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, жумладан, туризм, транспорт ва умумий овқатланиш соҳасидаги субъектларнинг солиқ қарзини тўлаш муддати, вақтинча қийинчилиikka учраган субъектларнинг мавжуд қарзига пеня ҳисоблашни тўхтатиш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига берилган физсиз кечиктиришнинг (бўлиб-бўлиб тўлаш) амал қилиш муддати 2021 йил 31 декабрга қадар узайтирилди.

▶ Давоми 2-бетда

ҲАР БИР ЛОЙИҲА — НАЗОРАТДА

БУГУНИ ЧАРОҒОН,
ЭРТАСИ ПОРЛОҚ ФОРИШ

Бағри бойликларга тўла замин



“Фориш — бу Париж сўзининг ўзгаргани, маҳаллий халқ тилига мослашгани”, деган тахминлар бор. Айтишларича, буюк бобокалонимиз Амир Темур ўз давлатининг пойтахти Самарқандни ер юзининг энг йирик ва муҳташам шахрига айлантиришни орзу қилган. Соҳибқирон ўз бош кенти Самарқанд атрофида Бағдол, Дамашк, Қоҳира, Шероз, Султония, Париж (Фориш) деб номланган қишлоқлар барпо этишни амр қилган экан.

▶ Давоми 3-бетда

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН”
УЧУН МАХСУСХитой бозорига импорт
қилинаётган мош миқдорининг
учдан бир қисмини
ўзбекистонлик экспортчилар
етказиб бермоқда

Ўзбекистоннинг Пекиндаги элчихонаси мамлакатимизда етиштирилган мошни Хитой бозорида фаол тарғиб қилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йилда Хитойга ташрифи доирасида савдо-иқтисодий соҳада қатор икки томонлама шартномалар имзоланди. Улар орасида мамлакатимиз дипломатик ваколатхонасининг фаол иштироки билан тайёрланган Ўзбекистон ўсимликлар карантини бўйича давлат инспекцияси ва Хитой Бош божхона бошқармаси ўртасида имзоланган “Ўзбекистондан Хитойга мош экспорт қилиш бўйича фитосанитария талаблари тўғрисида”ги протокол ҳам бор.

Мазкур ҳужжатнинг имзоланиши ўзбекистонлик тадбиркорларга Хитойга яшил мош экспортини янада оширишда кенг имкониятлар эшигини очди. Айни пайтда ўз маҳсулотларини Хитой бозорига етказиб бериш орқали ўзбек фермерлари янги даромад манбаига эга бўлди.

Шу билан бирга, Ўзбекистондан Хитойга экспорт қилинаётган маҳсулотлар санитария-гигиена мезъорлари, фитосанитария қоидалари ва протоколда назарда тутилган талабларга тўлиқ жавоб бериши керак.

Маълумот учун: Хитойга бериши қиёнадиган барча маҳсулотлар устидан кескин назорат ўрнатилган, импорт қилувчилар ва ишлаб чиқарувчиларга маҳсулот сифатини текшириш юзасидан карантин ҳолати эълон қилинган. Текширув давомида Хитой ҳукумати маҳсулотда ўсимлик зараркунандаларининг мавжудлиги ва уларнинг тарқалиш хавфининг олдини олишга жиддий эътибор беради.

Утган уч йил мобайнида мамлакатимиз элчихонаси Ўзбекистон давлат карантин хизматиغا Хитойнинг тегишли идораларида экспортчи корхоналар рўйхатини шакллантириш ва мувофиқлаштиришда фаол ёрдам кўрсатди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Хитой ўртаҳол аҳолисининг сони (400 миллиондан ортиқ) жадал суръатлар билан ўсиб бораётган ҳамда озиқ-овқат чакана бозорининг ҳажми бўйича дунёда биринчи ўринда турувчи энг йирик бозор ҳисобланади. Бугунги кунда Хитойда озиқ-овқат ва ичимликлар истеъмоли ҳажми 1 триллион доллардан зиёдни ташкил этади. Бу кўрсаткич эса тобора ўсиб бормоқда.

Шухрат УМИРОВ
“Дунё” АА

Пекин

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

“ТОМОРҚА ХИЗМАТИ” —
АҲОЛИГА ҚЎМАКЧИ

Шукрки, йилнинг тўрт фасли ўз вақтида келади, қўёш нурларини аямай таратадиган, она ер тотли неъматлари билан беминнат сийлайдиган жаннатмонанд юртда яшаймиз. Унумдор тупроқларимизда пишиб етилган мева-сабзавотлар кишин-ёзин дастурхонимизни тўлдириб, деҳқонларимиз хирмонига барака беради.

Бугун бозорларимизга етказиб берилаётган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришда нафақат деҳқон ва фермерлар, балки аҳолининг ҳам бевосита ҳиссаси ортиб бормоқда. Сўнгги йилларда Президентимизнинг аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишга оид бир қатор қарорлари асосида кенг имтиёзлар ва зарур қўмақлар бериб келинмоқда. Натижада ўз томорқасида экин-тикин экиб, ундан фойда олиш кўпчилик юрдошларимизнинг асосий даромад манбаига айланди.

Жумладан, 2020 йилнинг баҳор ойларида 4,5 миллиондан зиёд томорқада 306,1 минг гектар эртаги, 228,7 минг гектар тақрири, 162,6 минг гектар майдонга тўқсонбости усулида сабзавот экинлари экилиши

таъминланиб, жами 10,1 миллион тонна қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирилди.

Томоркадан юқори ҳосил ва даромад олаётган миришкор деҳқонларимиз сони йилдан-йилга ошиб боришда аҳолига моддий ресурсларни етказиб берадиган, молиялаштирадиган ва экин экиш нозорат қиладиган тизим яратилиб, ҳудудларда “Томорқа хизмати” МЧЖлар фаолияти йўлга қўйилгани ҳам муҳим ўрин тутмоқда.

Бундай корхоналар фаолиятининг илк куниданоқ аҳолига қўмакчи бўлиб, томорқаларга экин экиб, олинган ҳосилни харидорга етказунига қадар қўмақдош бўлиб келмоқда.

▶ Давоми 2-бетда

ЁШЛАР БАНДЛИГИ

ЖАМИЯТ РИВОЖИНИНГ
ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИ

Бугунги глобаллашув даврида тараққиётнинг юксак марраларини қўзлаб интилаётган ҳар бир давлат олдида ёшларнинг қалби ва онгини ёт гоёлардан асрашдек муҳим вазифалар кўндаланг бўлиб турибди.

Бунга эришиш учун, аввало, ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилгани билан ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир. Хусусан, Давлат дастурининг 96 та бандида ижтимоий соҳани ривожлантириш ва ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ҳамда муҳим вазифалар белгиланган.

Биринчи навбатда, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва саломатлигини муҳофазалаш, ёшлар бандлиги ва реал даромадларини ошириш ҳамда 2021–2023 йилларда Ёшлар уйлари қуриш дастурини амалга ошириш, ноғиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби устувор вазифалар шулар жумласидандир.

Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармони билан тасдиқланган “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ёшларнинг

ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилгани билан ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир. Хусусан, Давлат дастурининг 96 та бандида ижтимоий соҳани ривожлантириш ва ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ҳамда муҳим вазифалар белгиланган. Биринчи навбатда, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва саломатлигини муҳофазалаш, ёшлар бандлиги ва реал даромадларини ошириш ҳамда 2021–2023 йилларда Ёшлар уйлари қуриш дастурини амалга ошириш, ноғиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш каби устувор вазифалар шулар жумласидандир.

▶ Давоми 2-бетда

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

ЗАМОНАВИЙ ҚУРИЛИШГА ХОС СИФАТ

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Турар жой ёки бино-иншоот қуриб, ундан узоқ йиллар фойдаланишни мақсад қилган ҳар қандай киши биринчи галда, иморат пойдеворини мустаҳкам қурилиш материалларидан барпо этишга интилади. Қолаверса, илм-фан ва инновацион технологиялар тобора ривожланиб бораётган ҳозирги вақтда энергиятежамкор, арзон ва сифатли қурилиш материалларига талаб тобора ортиб борапти.

▶ Давоми 3-бетда

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА

ВАЗИФАЛАРНИ ҚУНТ, ИЛМ, АҚЛ БИЛАН БАЖАРСАК, КЎЗЛАНГАН МАҚСАДЛАРГА, АЛБАТТА, ЭРИШАМИЗ



Бошланиши 1-бетда

Бу, ўз навбатида, туризм, транспорт ва умумий овқатланиш соҳасида фаолият юритаётган 2 656 та корхонанинг 2021 йил 1 январь ҳолатига 19,9 миллиард сўмлик, молиявий қийинчиликка дуч келган 2 687 та тадбиркорлик субъектининг мол-мулк ва ер солиғидан 123,3 миллиард сўмлик, шунингдек, 984 та корхонанинг мол-мулк ва ер солиғидан 35,1 миллиард сўмлик солиқ қарзини тўлашга татбиқ этилади ва уларнинг узлуksиз ишлаши, иш ўринларини сақлаб қолиши ҳамда янада кенгайишига шароит яратлади.

Солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган кичик тадбиркорлик субъектларига солиқ аудити ўтказилишига мораторийнинг амал қилиш мuddати ҳам 2021 йил 31 декабрга қадар узайтирилди.

Иккинчидан, фармонда фермер хўжалиқларининг даромад ва харажатларини автоматик шакллантириш ва солиқ органларига юбориш имконини берувчи электрон тизимни 2021 йил 1 июлга қадар амалиётга жорий этилиши белгиланган. Бунинг учун Президентимизнинг 2018 йил 2 июлдаги “Фермер хўжалиқларида ҳисоб тизимини тўдан яхшилаш ва уларга банк хизматлари қўрсатишни тақомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган, фермер хўжалиқларида соддалаштирилган бухгалтерия ҳисобини юритишга мўлжалланган “Agroonline” дастурий таъминоти ДСҚ ахборот тизимлари билан интеграция қилинади. Натижада фаолият кўрсатаётган 58,2 мингдан ортиқ фермер хўжалиги учун даромад ва харажатларини автоматик назорат қилиб бориш ҳамда пировардида солиқларни тўри ҳисоблаш имконияти яратилди.

Шу билан бирга, фермер хўжалиқлари ва тадбиркорлик субъектлари билан шаффоф мулоқотда бўлиш орқали солиқ мажбуриятини бажаришга қўмаклашиш мақсадида олдинги йил учун даромадлари йиллик молиявий ҳисобот маълумотларига кўра, камида 5 миллиард сўмини (амалдаги тартиб икки бараварга камайтирилмоқда) ташкил этган субъектлар ҳам солиқ мониторингини институтти иштирокчилари бўлиши ҳуқуқи берилмоқда.

Қайд этиш жоиз, жорий йилнинг 8 февраль ҳолати 2020 йил якуни бўйича давлат солиқ органларига тақдим этилган солиқ ҳисоботларига асосан, 12 025 та субъект ушбу имкониятдан фойдаланишга номзод бўлиши мумкинлигидан далолат беради. Бунинг ижросини таъминлаш учун Молия вазирлиги билан Солиқ кодексининг 169-моддасига ўзгартириш киритиш юзасидан қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган “Солиқ мониторингини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низомига ҳам ўзгартиришлар киритилди.

Учинчидан, Давлат дастурига мувофиқ, солиқ маъмуриятчилиги янада тақомиллаштириб борилади. Бу йўналишда барча хўжалик субъектларининг тўлиқ электрон ҳисобварақ-фактураларга ўтилишини таъминлаш устида иш олиб борилади. Унинг аҳамиятли жиҳати шуки, иктисодиётда яратилган қўшилган қийматни тўлиқ солиқ базасига киритиш орқали 29,3 триллион сўмдан ортиқ ҚҚС йиғиш вазифаси олдимизда турибди.

Солиқ органларини хизмат кўрсатувчи юқори технологияли ташкилотга трансформация қилиш давом эттирилади. Бугунги кунда 45 турдаги интерактив ва электрон хизмат кўрсатувчи солиқ хизматлари портали (my.soliq.uz) жорий қилинган. Солиқ тўловчининг шахсий кабинетига 2020 йил давомида 470,7 мингта юридик шахс томонидан 24,5 миллионта, 288,5 мингта жисмоний шахс томонидан 4,9 миллионта, 96,7 мингта якка тартибдаги тадбиркор томонидан 562,2 мингта мурожаат қилинган.

2021 йил 1 январь ҳолатига ЭХФ ахборот тизимидан 373,1 мингдан ортиқ хўжалик юритувчи субъект фойдаланиб келмоқда. Улар томонидан 22,6 миллион донадан ортиқ ЭХФ шакллантирилган бўлиб, жами айланма (ҚҚСсиз) 798,4 триллион сўмини ташкил қилмоқда.

Жорий йилда алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш, улгуржи ва чакана савдосини амалга оширишнинг барча бўғинларида рақамли маркировкани татбиқ этиш режалаштирилмоқда. Бунинг муҳим жиҳати, ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳуфиёна иктисодиётнинг уллушини қисқартириш ва 3,7 триллион сўм акция солиғини йиғишга ижобий таъсир кўрсатади. Маркировка шакли барча ишлаб чиқарувчи (53 та), импорт қилувчи (10 та), улгуржи савдо (85 та) корхоналарни қамраб олиш таъминланади.

Улгуржи ва чакана савдо билан шуғулланувчи барча тадбиркорлик субъектларининг савдо нуқталарида онлайн назорат-касса машиналари ўрнатилиши бўйича аниқ режаларимиз бор. Бу бизга соҳадаги 70 фоиз деб баҳоланаётган яширин айланмани жиловлаш орқали 2021 йилда айланмадан 2,2 триллион сўм ёки 2020 йилдагига нисбатан 70 фоиз кўп солиқ йиғишга замин яратлади.

Аслида бу борадаги ишлар давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини қўлайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асосида бошланган эди. Унга биноан тузилган режада онлайн НКМ ёки виртуал кассадан фойдаланишга жами 223 546 та тадбиркорлик объектини босқичма-босқич ўтказиш белгилаб берилган. 2020 йилда 105 056 та ҳамда жорий йилнинг 8 февраль ҳолатига 15 622 та тадбиркорлик объекти мазкур тизимдан фойдаланишга ўтказилди. Шу йил якунига қадар нақд пул тушумига эга қолган 102 868 та тадбиркорлик объекти онлайн НКМ ёки виртуал кассадан фойдаланишга ўтказилиши таъминланади.

Товар-моддий заҳираларни ва товарларини (ишларни, хизматларни) ет-

казиб бериш учун электрон шартномалар (ишончномалар) алмашинувини жорий этиш ҳам асосий йўналишлар сирасига киради. Президентимизнинг 2020 йил 30 октябрдаги фармони билан тасдиқланган “йўл харитаси”га мувофиқ, товарларни (хизматларни) етказиб бериш бўйича шартномаларни ҳамда товар-моддий бойликларни олиш учун ишончномаларни мажбурий электрон рўйхатдан ўтказиш тартибини жорий этиш белгиланган. Бугунги кунда шартномаларни электрон рўйхатдан ўтказиш интерактив хизмати ишлаб чиқилган бўлиб, тест-синов шаклида my.soliq.uz – интерактив солиқ хизматлари порталига жойлаштирилган.

Тўртинчидан, халқаро стандартлар асосида Давлат солиқ қўмитаси ахборот тизимлари комплексининг ягона платформаси ишлаб чиқилади. Бу борадаги ишлар Жаҳон банки ва Россия Федерал солиқ хизмати билан ҳамкорликда қилинапти. Ягона платформани яратиш орқали маълумотларни киритиш, тўплаш, шакллантириш, таҳлил қилишнинг қулай ва соддалашуви натижасида солиқ ҳисоботларини топшириш жараёни 5-7 баробар қисқаради.

Бешинчидан, сотиладиган товарларнинг ягона электрон таснифлагич тизими онлайн назорат-касса машиналари, электрон ҳисобварақ-фактуралари, маркировкалаш тизимларига интеграция қилинади. Айни кезде 112 та гуруҳ ва 1 348 та товар ва хизматлар синфидан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси товарлар ва хизматларнинг ягона электрон таснифлагич тизими учун веб-портал жорий қилинди. Маҳсулотлар ва хизматлар идентификация кодлари ёрдамида 900 мингдан ортиқ электрон ҳисоб-фактура яратилди.

Олтинчидан, ер қаъридан фойдаланганлик учун ва кўчмас мулкларни солиққа тортиш маъмуричилиги янада тақомиллаштирилади. Бу йўналишда Россия Федерал солиқ хизмати билан яқиндан ишляямиз. 2021 йилда ер қаъридан фойдаланганлик учун 13,6 триллион сўмлик солиқ йиғилиши режалаштирилган.

Еттинчидан, дастурга асосан, тенг рақобат шароитини яратиш ва ҚҚС тўловчилар ҳуқуқларини кафолатлаш бўйича солиқ маъмуриятчилиги 2021 йилда янги босқичга чиқарилади. Айтиш жоизки, 2020 йил 1 августдан барча ҚҚС тўловчилар ҳудудий солиқ бошқармалари назоратига ўтказилиши ҳамда электрон ҳисобварақ-фактуралар кенг жорий этилиши солиқ маъмуричилиги яхшилашига олиб келди. Хусусан, ўтган йилнинг иккинчи ярим йиллигида электрон ҳисобварақ-фактуралар орқали 798,4 триллион сўмлик товар айланмаси солиқ базасига киритилди ёки бу кўрсаткич биринчи ярим йилликка нисбатан 3,5 баравар ошди.

ҚҚС бўйича ўртача тушумлар 2020 йилнинг январь-июнь ойларида 1,4 триллион сўмни ташкил этган бўлса, иккинчи ярим йилликда 2,2 триллион сўмга етиб, 800 миллиард сўмга ёки 57 фоиз ўсди. Бу йўналишдаги тадбирлар янада изчиллик касб этади. Чунки таҳлиллар 11 мингта корхона бюджетга солиқ тўловларини камайтириш мақсадида 396 та шубҳали фирмани лозим даражада ўрганмай туриб, улар билан 7,9 триллион сўмлик (жумладан, бир триллион сўми ҚҚС) иктисодий алоқа қилиш натижасида 340 мингта электрон ҳисобварақ-фактура қабул қилинганини кўрсатяпти. Шу билан бирга, ҳалол ишлаётган ишончли солиқ тўловчиларга ҚҚСни тезлаштирилган тартибда қайтариш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Саккизинчидан, солиқ органларини хизмат кўрсатувчи юқори технологияли ташкилотга трансформация қилиш давом эттирилади. Бугунги кунда 45 турдаги интерактив ва электрон хизмат кўрсатувчи солиқ хизматлари портали (my.soliq.uz) жорий қилинган. Солиқ тўловчининг шахсий кабинетига 2020 йил давомида 470,7 мингта, юридик шахс томонидан 24,5 миллионта, 288,5 мингта жисмоний шахс томонидан 4,9 миллионта, 96,7 мингта якка тартибдаги тадбиркор томонидан 562,2 мингта мурожаат қилинган.

Президентимиз раислигида 10 февраль куни “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастури ижросини самарали ташкил этиш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида таъкидланганидек, асосий мақсад қозғо ёки ҳисобот эмас, балки амалий натижаларга эришиш, одамлар ҳаётида ижобий ўзгаришлар қилишимиз зарур. Дастурдаги вазифаларни қунт билан, илм билан, ақл билан бажарсақгина, туб ўзгаришлар бўлади ва, албатта, қўзланган мақсадларга эришамиз.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

“ТОМОРҚА ХИЗМАТИ” — АҲОЛИГА КЎМАКЧИ

**Фахриддин СУЮНОВ,
Ўзбекистон фермер, деҳқон
хўжалиқлари ва томорқа ер
эгалари кенгаши бўлим бошлиғи**

► Бошланиши 1-бетда

Жойларда томорқа ерларини шудорлаш, зарур уруғлик ва қўчатлар билан таъминлаш, хонадонларга ихчам иссиқхона қуриш, эчки, қўй, парранда, асалари уялари, қуён етказиб бериш каби хизматларни “Томорқа хизмати” корхоналари орқали ташкил этиш йўлга қўйилди.

Ўз навбатида, халққа хизмат қилиб, уларнинг мушкуллини осон қилаётган бундай корхоналар Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан қўллаб-қувватланиб



Хўжалик йўлдошлар оғлига сўради.

келинмоқда. Ўтган давр мобайнида кенгаш ҳузуридаги жамғарма маблағлари, тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари ҳисобидан уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Натижада кўпгина “Томорқа хизмати” МЧЖларнинг имкониятлари кенгайиб, 81 та шундай жамият аҳоли томорқаларида етиштирилган сабзавотларни ички бозорларимиздан ташқари, хорижга экспорт қилишга эришмоқда.

Мақсад — биргаликда ўсиш!

Бугунги замонавий қишлоқ хўжалигида сифатли ва экспортбўл озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг самарали усулларидан бири кластер ташкил этиш ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан йўлга қўйилган бу тизим ўзини тўла оқлаяпти, десак муболаға бўлмайди. Томорқаларда етиштирилган маҳсулотларни сақлаш, дўконларга етказиб бериш, мева-сабзавотларни қайта ишлаш цехларини ташкил этиш жараёнларини умумлаштиридан “Томорқа хизмати” кластерлари фаолиятини йўлга қўйишни даврининг ўзи талаб қилмоқда.

Тилимизга инглизчадан кириб келган “кластер” атамаси сўзма-сўз таржима қилинганда

яратиб, аҳолининг турмуш даражаси ўсишига хизмат қила бошлади.

Мамлакатимизда ўтган йилдан бошлаб ўзда 12 та фаолият йўналишини мужассамлаштирган “Томорқа хизмати” кластерлари фаолиятини йўлга қўйиш тажрибаси амалиётга жорий этилди. Президентимизнинг 2020 йил 30 июндаги “Аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, республика бўйича 20 та “Томорқа хизмати” МЧЖ негизида кластер корхонаси ташкил этилиб, уларга Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузуридаги жамғармадан 48 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Мазкур кластерлар фаолияти фуқароларга қатор қулайликлар яратмоқда. Корхона-кластерлар ҳар бири 12-15 минг аҳоли билан шартнома тузган ҳолда деҳқон хўжалиқлари ва томорқаларда етиштирилган маҳсулотларнинг ўз истеъмолидан ортиқ қисmini сотишга қўмаклашиш, сақлаш, қайта ишлаб, ички бозорларда сотиш ҳамда экспортга чиқариш бўйича фуқароларга яқиндан қўмак бермоқда. Бундай корхоналар аҳоли даромадларини ошириш билан бирга, одамларни иш билан таъминлашга ҳисса қўшмоқда. Хусусан, ҳар бир кластерда ўрта ҳисобда 40-45 та доимий, 350-400 та мавсумий иш ўрни яратилади.

Айни пайтда ижобий натижа бераётган “Томорқа хизмати” кластерларини ташкил этиш тажрибасини 2021 йилда ҳам фаол давом эттириш кўзда тутилган. Хусусан, мева-сабзавот кўп етиштирилаётган Амурдарё, Бўзатов, Балиқчи, Қўрғонтепа, Шахрисабз, Ғўзор, Охангарон, Бўқа каби 32 та туманда кластерлар фаолияти йўлга қўйилди. Бу борадаги ишларни амалга ошириш учун кенгаш ҳузуридаги жамғарма ҳисобидан 58 миллиард сўм маблағ ажратиш белгиланган.

Мазкур тизимли саъй-ҳаракатлар деҳқон хўжалиқлари ва аҳоли томорқаларини кластерларга бириктириб, улар ўртасидаги ўзаро иқтисодий-ишчиий муносабатларни барқарорлаштириш, рақобатбардор маҳсулотлар етиштириш ҳажмини ошириш, аҳолининг қўшимча даромад олиш имкониятларини кенгайтириш, муҳими, халқимиз дастурхонига сифатли ва арзон қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари етказиб беришга хизмат қилади.

ЁШЛАР БАНДЛИГИ

ЖАМИЯТ РИВОЖИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИ



**Собир ТУРСУНОВ,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар
Кенгаши депутати, педагогика фанлари доктори**

► Бошланиши 1-бетда

Ёшлар бандлигини таъминлаш омиллари билан бири уларни талаб этилаётган касб бўйича ихтисослаштиришди. Шу боис, Давлат дастурида “Хар бир тадбиркор — ёшларга мададкор” тамойили асосида қўнгилли тадбиркорларни жалб этган ҳолда 1 нафар тадбиркорга 1 нафардан ишсиз ёшни бириктириш ташаббусини амалга ошириш вазифаси қўйилгани, айниқса, аҳамиятлидир. “Ёшлар: 1+1” дастури доира-сида уюшмаган ва ишсиз ёшларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш, уларда бизнес қўнимчаларини шакллантириш, имтиёзли кредитлар ажратиш орқали ўз фаолиятини

бошлашга қўмаклашиш вазифалари белгиланди. Давлат дастурида назарда тутилган мазкур вазифаларнинг амалиётга тўлақонли жорий этилиши натижасида ёшларнинг арзон ишчи кучи сифатида меҳнат бозорига кириб келишининг олди олиниб, бугунги кун талабига жавоб берадиган рақобатдош кадрлар бўлиб етишишига эришилади.

Дастурда ёшларимизнинг узлуksиз таълим олишини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, олий таълим муассасасида икки ва ундан ортиқ фарзанди шартнома асосида ўқийётган оилаларга имтиёзли таълим кредити бериш тартибини жорий этиш, олий таълим муассасаларига талаба-қизларни

қабул қилишда эҳтиёжманд оилалар қизлари учун ажратилган грантлар сонини 2 баробар қўлгайтириб, 2 мингтага етказиш каби бандлар мавжудлиги оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган давлат сиёсатининг яна бир ёрқин мисолидир.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш масаласига эътибор Президентимизнинг ҳудудларга таширфларида ҳам ўз аксини топмоқда. Жумладан, давлатимиз раҳбари бу жараёнда барча соҳаларга, айниқса, ёшлар муаммолари ҳамда уларнинг бандлигини таъминлаш борасидаги устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Президентимизнинг Олий Мажлиса Мурожаатномасида ҳам ёшларни қўллаб-қувватлаш, касбга ўргатиш ҳамда ёшларимиз ўз олдида катта марраларни қўйиб, уларга эришиши учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама қўмак бериш барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиш зарурлиги айтиб ўтилди.

Албатта, биз депутатлар ҳам мазкур сиёсатни тўла қўллаб-қувватлаймиз. Президентимизнинг кўрсатма ва топшириқлари, Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқдик. Бу борада таъсирчан депутатлик назоратини ўрнатиб, ҳудудларда ёшларнинг ҳаёт тарзини, бандлик даражасини доимий ўрганиб борамиз. Жараёнда уюшмаган ёшларга ҳам алоҳида эътибор қаратиб, уларни қийнаётган муаммоларни бартарфат этиш бўйича асосли ва ечимли бор тақдирлар ишлаб чиқиш зиммамиздаги муҳим вазифадир.

ХАР БИР ЛОЙИХА — НАЗОРАТДА



БУГУНИ ЧАРОҒОН, ЭРТАСИ ПОРЛОҚ ФОРИШ

Бошланиш 1-бетда

Худойберди КАРИМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Нима бўлганда ҳам Фориш тарихи узок-узокларга бориб тақалиши шубҳасиз. Бу сўзларимизни шу ҳудудда эра-миздан аввалги I асрга тааллуқли деб ҳисобланган Етимтоғ кўйиндиси (қаб-ристон), милоднинг I-II асрларига те-гишли бўлган Қоратош ёдгорликлари, X асрда барпо этилган Хонбанди тўғони, Гараша (Грекушоҳ) зиёратгоҳи, Абдул-лахон барпо этган Чорбоғ каби жуда кўп-лаб манзиллар ҳам яққол тасдиқлайди.

Жуғрофий жойлашуви, иқлими, та-биати, иқтисодий салоҳияти, бошқа жуда ранг-баранг, кўп қиррали жиҳатла-ри билан ўзига хос бўлган ушбу туман нафақат Жиззах вилояти, балки бутун мамлакатимизда ўз ўрни ва мавқеига эга. Умумий майдони 9 минг 530 квад-рат километр бўлган туман ҳудуди бўй-ича дунё ишбилармонлари ва туризм мухлисларини ўзига мафтун айлаган Кипр давлатидан ҳам каттароқ эканини айтиб ўтишнинг ўзи kifоя.

Форишнинг бир бурчаги осмонўпар тоғларга улашиб кетса, иккинчи тарафи Қизилқум саҳросига туташади. Айдар-Арнасой кўлар тизими ҳам туманнинг каттагина қисmini эгаллаган. Тоғ ва тоғолди ҳудудларида деҳқончилик, ай-ниқса, боғдорчилик ривожланган. Шу ўринда доврўк қозонган Фориш узуми ва майизини эсга олиш жоиз. Кенг майдонни эгаллаган чўл ва дашт ҳудудларда чор-вачилик, биринчи галда, қорақўлчиликни ривожлантириш имкониятлари катта.

Туман замини бағрида кўргошин, рух, базальт, оҳак, оҳаксимон қора мар-мар каби жуда кўп қимматбаҳо кимёвий унсурлар яшириниб ётибди. Энг муҳи-ми, ушбу бойлиқнинг аксарият қисми ер юзига яқин, уларни қазиб олиш унча-лик мураккаб эмас.

Инвестиция лойиҳалари — амалда

Ана шундай улкан имкониятларга эга бўлишга қарамай, Фориш тумани узок йиллар эътибордан четда қолиб келди. 2018 йилнинг март ойида Президенти-миз Жиззах вилоятига ташрифи чоғида туман ҳудудида янгидан барпо бўлаёт-ган Қараман сув омборида амалга оши-рилаётган ишлар билан танишиш асно-сида ҳудуднинг салоҳияти катталиги,

унинг имкониятларидан фойдаланиш зарурлигини таъкидлаган эди. Давла-тимиз раҳбарининг ана шу даъвати Фориш туманида кенг қўламли ишлар-нинг бошланиб кетишига туртки бўлди. Бунинг тасдиғини 2020 йилнинг ўзида амалга оширилган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Жиззах вилоятида 2020-2022 йил-ларга мўлжалланган ҳудудий инвести-ция дастури доирасида ўтган йили 465,8 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ўз-лаштирилди. Эътиборли томони, бу сармояларнинг салмоқли қисми, яъни 378,3 миллион долларни ёки 80 фоиз-дан ортиғи айнан Фориш тумани ҳис-сасига тўғри келди. Туман бўйича бу борада йил аввалида белгилаб олин-ган прогноз режалар 460 фоиздан ҳам ошдикча бажарилди.

— 2020 йилда туманнинг инвести-ция дастури доирасида умумий қийма-ти 40 миллиард сўмга яқин бўлган 33 та лойиҳа ишга туширилди, — дейди туман ҳокими ўринбосари, туман ин-вестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи Темура Саъдуллаев. — Ҳуду-димиздаги табиий бойлиқларни ўзлаш-тириш ишга алоҳида эътибор қара-тилди. Айниқса, аниқланган захираси жуда катта бўлган (экспертлар фикри-ча, камида 100 йилга етадиган) базальт тошлардан маҳсулотлар ишлаб чиқари-ш борасидаги лойиҳаларга эътибор берилди. Ички ва ташқи инвестиция-лар кўмағида ташкил этилган бир қатор корхоналарда базальт тола, базальт арматура ва бошқа қурилиш матери-аллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Жумладан, “Эгизбулок” маҳалласи ҳу-дудида ана шу хомашёдан қиймати 2 триллион сўмга яқин бўлган қурилиш материаллари ишлаб чиқариш лойиҳа-сини ҳаётга татбиқ қилиш ишлари бош-лаб юборилди. Бу саъй-ҳаракатлар эса ўз самарасини бермай қўймади: ин-вестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида бир йилнинг ўзида туман бюджетига 4,3 миллиард сўм қўшимча маблағ тушганини қайд қилишнинг ўзи kifоя.

Европа бозорларига йўл

Фориш туманида аграр соҳанинг турли тармоқ ва йўналишларини ривожлантириш учун ҳам шарт-ша-роитлар етарли. Ўтган йили қишлоқ



ҳўжалиги маҳсулотларини етишти-риш ва қайта ишлашдан олинган даромад 53,5 миллиард сўмдан ошгани бунинг тасдиғи. Чунончи, соҳада 34 та лойиҳа амалиётга му-ваффақиятли татбиқ этилди. Бугун туманда турли тармоққа ихтисос-лашган ва 1 300 нафардан ортиқ фуқаро иш билан таъминланган 435 та фермер ҳўжалиги фаолият кўрсатмоқда.

— Бизда айнан чорвачиликни ри-вожлантириш учун кенг имкониятлар мавжуд, — дейди туман фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари уюшмаси раиси Асад Эргашев. — Ўтган йили 1 351 тонна гўшт, 2 916,3 тонна балиқ, 2 536 тонна сўт, 8 миллион 476 минг дона туҳум етиш-тиришга эришдик. Ҳамкорларимизга 722,5 тонна жун, 3 665 дона қорақўл тери, 83,8 тонна асал етказиб бер-илди. Соҳибкорларимиз ҳам қараб туришмади. Уларнинг кўмағи билан туман истеъмол бозори картошка, мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсу-лотлари билан тўлиқ таъминланди, ўзимиздан ортганини вилоят, респу-блика бозорларига етказиб бердик. 8 ўз йиллардан бўён биринчи марта давлатга галла сотиш режасини ҳам ортиғи билан — 150 фоиз қилиб ба-жаришга муваффақ бўлдик.

Боғдон — бунёдкорлар шаҳарчаси

Фориш тумани маркази Боғдон ша-ҳарчаси бугун улкан бунёдкорлик мар-казига айланган. Ваҳоланки, бундан тўрт-беш йил муқаддам бу ерда, ҳатто икки қаватли биноларга ҳам кўзингиз тушиши амримаҳол эди. Борларининг ҳам қурилганига камида 40-50 йил бўл-ган, улар пасткам, деворлари нураган, ранги ўчган эски уйлар орасида ғарибо-на мунғайиб турарди.

— “Илғор ҳудуд”, “Обод маҳалла”, “Обод қишлоқ” давлат дастурларининг шамоли биз томон ҳам эса бошлади, — дейди “Фориш тонги” газетаси бош му-ҳаррири Рашид Каримов. — Аста-секин Боғдон шаҳарчаси ўз номига муносиб қу-риниш олмақда. Қисқа муддат ичида ша-ҳарча марказидаги биргина Амир Темура кўчасининг ўзида икки, уч, беш қаватли 40 дан зиёд турар жой, савдо, маиший хизмат кўрсатиш бинолари қурилиши якунига етди. Маданият саройи, Давлат хизматлари маркази ва прокуратура би-нолари, “Нуронийлар уйи”, санитария-эпидемиология ва тўғруқхона мажмуа-лари, 2 та меҳмонхона, 4 та экобозор форишликлар ихтиёрига топширилди.

Олис қишлоқлар ҳам эътибордан чет-да қолмади. Биринчи галда, уларга олиб борадиган йўлларнинг ҳолатини яхши-лашга ҳаракат қилинди. Бунинг учун 7 миллиард сўмга яқин маблағ сарфлан-ди. Кўприк қуриш ва таъмирлаш ишла-рига 1 миллиард сўмдан ортиқ маблағ харажат қилинди. Шунингдек, 144 ки-лометрдан ортиқ масофадаги электр тармоқлари янгиланди ёки тўлиқ таъ-мирланди. Тоғлар орасида жойлашган қишлоқларнинг алоқа ва интернет тизи-мини яхшилаш чоралари қўрилди.

Дам олгани келинг Форишга!

Форишнинг маҳаллий ва хорижий сайёҳларни ўзига жалб қиладиган, уларнинг эътиборини ўзига тортадиган маданий объектлари, тарихий обид ва муқаддас зиёратгоҳлари, археологик манзилгоҳ ва монументал ёдгорликлари кўп. Шунингдек, бу ерда сайёҳлик соҳасининг кейинги даврларда урф бўлаётган эко, агро, гастро турларини ривожлантириш имкониятлари катта.

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

ЗАМОНАВИЙ ҚУРИЛИШГА ХОС СИФАТ



Бошланиш 1-бетда

Биргина мисол. Охирги йилларда ривожланган давлатларда иншоотлар қурилишида гишт ўрнига энергия-те-жамкор газобетондан фойдаланиш кенг оммалашди. Баъзан “сунъий тош” деб ҳам аталувчи газобетон таркиби-даги 1-3 миллиметрли пуфаклари ту-файли оддий бетон ва гишдан анча енгил, етарли даражада мустаҳкам, ҳажмлардаги аниқлик, сейсмологик ҳо-латларга бардошли, шовқин қайтарув-чи, иссиқ ва совуқдан яхши ҳимоялаш каби афзалликлари билан ажралиб туради. Соддароқ айтганда, 1 куб метр гишт 1800-2000 килограмм оғирликка эга бўлса, шу ҳажмдаги газобетоннинг оғирлиги атиги 500-700 килограммни ташкил этади. Асосийси, у табиий газни

8 марта кам сарфлайди. Шу боис, говак бетоннинг бир тури бўлган газобетон ҳозирги кунда энг замонавий қурилиш материаллари каторидан жой олмақда.

Мамлакатимизда ҳам ушбу қурилиш материални ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйишга, бу йўналишда жаҳон тажрибасини қўллашга алоҳида эъти-бор қаратилмоқда. “Ўзсаноатқурилиш-материаллари” уюшмаси томонидан газобетон ишлаб чиқариш бўйича бир қатор инвестиция лойиҳалари амалга оширилиб, янги корхоналар фаолият-и йўлга қўйилляпти. “Ўзчарманоат” уюшмаси билан ҳамкорликда жорий йилнинг илк ойларида Тошкент вилоят-и Олмалиқ туманида фойдаланиш-га топширилган автоклав газобетон ишлаб чиқарувчи “Arton” компанияси ана шундай катта лойиҳалар маҳсули.

20 йиллик иш тажрибасига эга 6 нафар мутахассис уларга ускуналардан фойдаланиш йўл-йўригини ўргатиб туради. Ёз ойларида Германиядан қўшимча ишлаб чиқариш техникалари олиб келиниши ҳисобига йил охирида корхона тўлиқ қувватда ишлай бошлайди ва иш ўринлари сони 150 тадан ошиши режалаштирилган.

Айни пайтда “East Manning Invest” МЧЖ шу турдаги маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича мамлакатимиздаги энг йирик корхона бўлиб, унинг йиллик қувватини ҳозирги 200 минг куб метрдан 2,5 баро-барга ошириш кўзда тутилган.

Маҳаллийлаштириш 97,7 фоизга етди

Корхонада иш жараёни замонавий технологиялар ҳамда Германиянинг “Wehrhahn GmbH” компаниясида тай-ёрланган сунгги русумдаги энергияте-жамкор ускуналар ёрдамида амалга оширилади. Ишлаб чиқариш тўлиқ ав-томатлаштирилган. Янги технология-ларни ишлатишга хорижий ва маҳаллий етук мутахассислар жалб этилиб, 72 та иш ўрни ҳам яратилган. Ходимларнинг аксарияти касб-хунар коллежи бити-рувчилари бўлиб, Туркиядан таклиф

этилган 20 йиллик иш тажрибасига эга 6 нафар мутахассис уларга ускуналардан фойдаланиш йўл-йўригини ўргатиб туради. Ёз ойларида Германиядан қўшимча ишлаб чиқариш техникалари олиб келиниши ҳисобига йил охирида корхона тўлиқ қувватда ишлай бошлайди ва иш ўринлари сони 150 тадан ошиши режа-лаштирилган.

— Заводда илм-фан ютуқлари ва ин-новацион технологиялар асосида чуқур қайта ишлаш мақсадида соҳа олимла-ри билан ҳамкорлик йўлга қўйилгани ҳисобига жаҳон стандартларига мос маҳсулот ишлаб чиқаришга эришялмиз, — деди “East Manning Invest” МЧЖ бош директори Зоиржон Орипов. — Харидор кўнглидаги товарни тақдим этиш учун унинг таркибини сифатли хомашё билан бойитиш зарур. Масалан, яхши автоклав қорихонани ишлаб чиқариш учун хомашё таркибидеги кварц миқдори камида 85 фоиз бўлиши керак. Бу — жаҳон стан-дарти талаби. Биз ана шу талаб асноси-да нафақат кварц қўми, балки цемент ва оҳаниннг ҳам сифатлисидадан фойда-ланишга ҳаракат қиламиз. Бунинг учун мамлакатимизда зарур хомашё захира-си мавжуд ва газобетоннинг 97,7 фоизи маҳаллий маҳсулотлардан тайёрланади. Бу эса қиймат ва сифат уйғунлигини ка-фолатлайди. Шу боис, ҳозирда корхо-намиз маҳсулотлари инсталган хорижий брендлар билан тенглаша опади, деб бемалол айта олам.

Сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш осон иш эмас. Завод мутахассислар-нинг айтишича, у тайёр ҳолга келгунча қадар бир неча соат давом этадиган 5 та технологик босқичдан ўтади. Бунда қурилмаларнинг бари маҳсул йўлақлар бўйлаб занжир мисол кетма-кетликда мустақил ҳаракатланади.



Музаффар АБДУЛЛАЕВ оғлини сураётди.

Катта ускуналарга солинган хомашё тегиримонга жўнатилиб, сув ва шарлар ёрдамида обдон майдаланганч, лабо-ратория текширувидан ўтказилади, сўнгра улардан газобетон қорихмаси тайёрланади. Қўлпларга қўйилган, 3 соат давомида махсус хоналарда сақланади. Кейинги босқичда керакли ҳажмларда кесилган ярим тайёр маҳ-сулот Туркиядан келтирилган автоклав ускунасида 12 соат давомида 180 гра-дус иссиқликдаги буғ ёрдамида пиши-рилади. Бу вақтда операторлар махсус хонада жараёни кузатиб боради.

Одатда, газобетонлар ҳажми стан-дарт талаби бўйича ишлаб чиқарила-ди. Яъни, узунлиги 625, баландлиги 250 миллиметрдан ўзгармайди. Қалин-лиги эса харидор талабига кўра, 100 дан 500 миллиметргача ўлчамда тай-ёрланади. Шунинг ҳисобига у енгил ва ташвишга қулай.

Бугунги кунда қурилиш тизимида энергиятежамкор маҳсулотлардан фойдаланишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бир қанча афзалликларга эга автоклав газобетонлар эса ана шу

талабга жавоб беради. Бундан ташқа-ри, у, асосан маҳаллий хомашёдан тай-ёрлангани боис, таннархи шу турдаги бошқа қурилиш материалларидан бир неча баробар арзон.

Маҳсулот сифатли бўлса, унга талабдор доим топилади. Корхона ҳозирда маҳаллий йирик қурилиш ташкилотлари билан ҳамкорлик ке-лишувларини имзолаган. Узок йиллар давомида ўз мустаҳкамлигини сақ-лайдиган газобетонларга аҳоли ўр-тасида ҳам қизиқиш ортиб бормоқда. Тадбиркорлар яқин йилларда ушбу маҳсулот нафақат йирик иншоотлар, балки халқимиз хонадонлари қурили-шида кенг фойдаланилишига ҳисса қўишши мақсад қилган.

Тез орада корхона фаолиятини ке-нгайтириш қўзланган ниятлардан яна бири. Газобетонга бўлган талабни қон-дириш мақсадида Фаргона водийси, Хоразм, Навоий вилоятлари ҳам ана шундай инновацион завод қуриш режа-лаштирилган. Келгусида тайёр маҳсу-лотнинг 30 фоизи қўшни давлатларга экспорт қилинади.

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Маҳаллий кенгашлар фаолиятини самарали ташкил этиш ва уларнинг иш сифатини ошириш мақсадида уларда доимий асосда ишлайдиган котибият ташкил этиш керак.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

МАҲАЛЛИЙ ДЕПУТАТЛАР ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ



**Акбаршоҳ ТЕШАБОВЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси ҳузуридаги
Қонунчилик муаммолари ва
парламент тадқиқотлари
институтини бўлим бошлиғи**

Ўзбекистонда маҳаллий кенгашларнинг 6,5 мингдан зиёд депутати бор. Бугун уларнинг кўпчилиги янги тамойиллар асосида ишляпти. Халқ билан мулоқотга киришиб, аҳолининг дарду ташвишлари ҳақида қайғурмоқда, муаммоларига ечим топишга бел боғлаган.

Бугун юртимизда халқимиз ҳаётини яхшилаш, муносиб турмуш шароитини яратиш борасидаги саъй-ҳаракатлар кенг кулоч ёган, ислохотлар жадал тус олган. Хусусан, аҳоли фикрини эшитиш, муаммоларни ўрганиб, тезда ҳал қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу жараёнда депутатлар зиммасидаги масъулият гоят улкан.

Демак, даврнинг ўзи, ислохотларнинг моҳияти халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини янада ривожлантириш, уларнинг ваколатларини ошириш, маҳаллий бошқарувнинг самарали ва замонaviй услубларини жорий этишни талаб қилмоқда.

Президентимиз бу борада ҳам янги-ча ишлаш тизимига асос солди. Жумладан, маҳаллий кенгашларда доимий ишлайдиган котибиятларни ташкил этиш тўғрисидаги тақлифлари асосида 2020 йилнинг 14 сентябрь куни “Халқ депутатлари Кенгашлари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Қонун билан “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги ва “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши

депутатининг мақоми тўғрисида”ги қонунларига ҳам тегишли ўзгаришлар киритилиб, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари фаолиятига ташкилий, техникавий ва бошқа жиҳатлардан хизмат кўрсатувчи халқ депутатлари кенгаши котибиятлари ташкил этилди.

Бу халқимизга нима беради, деган савол тўғрлиади. Маҳаллий кенгаш котибияти ташкил этилиши, аввало, маҳаллий ижро ҳокимиятидан мустақил бўлган профессионал хизмат кўрсатувчи тузилма фаолиятига йўл очади. Бу шаффофликни таъминлайди. Депутатлар фаолияти самарадорлигини оширишга, маҳаллий кенгашларнинг молиявий мустақиллиги таъминланишига йўл очади. Шунингдек, маҳаллий кенгашлар сессияларида муҳокама этилиши кўзда тутилган масалалар ўз вақтида ва мукаммал тарзда тайёрланишига имконият яратиб беради.



Қонун қабул қилинганидан буён халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг ташкилий фаолиятига маҳаллий Кенгашлар котибиятлари томонидан хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Маҳаллий кенгашлар котибиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш, уларнинг профессионал хизмат кўрсатишини таъминлаш борасидаги ишлар тадрижийлигини таъминлаш мақсадида “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастурида халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари котибиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш назарда тутилган.

Маҳаллий кенгашлар котибиятларининг фаолиятини ривожлантириш нима учун керак, аслида, бунга эҳтиёж борми, деган савол ҳам тўғрилиш табиий.

Аввало, айтиш жоизки, маҳаллий кенгашлар котибиятлари фаолияти самарадорлиги уларда фаолият юритувчи ходимларнинг мустаҳкам билим ва бой тажрибаларига бевосита боғлиқ. Котибият ходимларига ҳам давлат бюджетидан ойлиқ маош тайинланади. Давлат бюджетини халққа тегишли эканини

да, маҳаллий кенгашларга профессионал хизмат кўрсатишнинг сифати ҳар жиҳатдан яхшиланади.

Бу борада хорижий давлатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, Дания, Финляндия, Швеция, Норвегия, Туркия, Грузия, Россия, Қозоғистон каби давлатларда маҳаллий вакиллик органларига хизмат кўрсатувчи котибиятлар ходимлари мунтазам равишда ўз билим ва кўникмаларини ошириши учун махсус курслар ва амалиёт дастурлари жорий этилганини кўриш мумкин.

Шу сабабли, айтиш жоизки, жорий йилги Давлат дастурида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари котибиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги вазифанинг устувор этиб белгиланиши, том маънода, маҳаллий кенгашларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни, нуфузи янада ошишига, жойлардаги камчиликларни ҳар жиҳатдан таҳлил қилиш, долзарб масалалар юзасидан маҳаллий вакиллик органларининг таъсирчан назорати ўрнатилишига, шунингдек, халқни ўйлантираётган масалаларни самарали ҳал этишга имконият яратиши, шубҳасиз.

“МАҲАЛЛАБАЙ” ТИЗИМИ — АМАЛДА

КЎКЛАМ КЕТМАЙДИГАН ҚИШЛОҚЛАР

**Расулжон КАМОЛОВ,
журналист**

Президентимиз барча даражадаги раҳбарларга фаолияти давомида маҳалладаги мавжуд ҳолатни ўрганиш, ҳар бир ҳудудни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, унинг “ўсиш нуқта”ларини аниқлашни бутунги куннинг муҳим вазифаси сифатида белгилаб бераётгани бежиз эмас.

“Маҳаллабай” тизимида ишлаш аҳоли муаммоларини тўлақонли ўрганиш, амалий ёрдам кўрсатиш, тадбиркорлик ва касбга ўқитиш, имтиёзли кредитлар орқали бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш имконини бермоқда.

Бувайда туманидаги “Найман” маҳалла фуқаролар йиғинини “кўклам кетмайдиган қишлоқ” дея таърифлашади. Ташқарида қиш забтига олиб турган бўлса-да, найманлик томорқачилар баҳор тафтига монанд ишлаш ҳадисини олган. Азалдан деҳқончилик, боғдорчилик ва чорвачилик билан шуғулланиб келган маҳалла аҳли ҳар қарич ернинг қадрига етади, меҳнатига яраша ҳосил олади. Маҳаллада ерга меҳр берган 5 минг нафарга яқин аҳоли яшайди.

Ҳар бир хонадон иситиш тизими, электр энергияси талаб қилмайдиган кам харажатили қўлбола иссиқхонада бодринг, булғор қалампери, бақлажон, помидор кўчатлари етиштиради. Улар ички эҳтиёждан ортиб, қўшни Андижон,

Наманган вилоятларига ҳам етказиб берилади.

Мавлуда Холмирозева “Темир дафтар”га киритилган оила бекаси. Ҳўжалигида томорқа экин майдони бор, лекин топгани рўзгордан ортмайди. Мутасаддилар бу оиллага субсидия асосида иссиқхона қуришга ёрдам берди. Бугун оила аъзолари фойдали меҳнат билан машғул. Иссиқхонада сара сабзавот кўчатларининг ривожини авжда. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, биринчи ҳосилдан 10 миллион сўмдан ортиқ даромад олишни қўзлаб турибди.

Дилором Қодирова якка-ёлғиз, меҳнат қилишдан қочмайди. Аммо томорқасини сўғориш учун сув таъминотида ўзига хос муаммолар бор эди. Бандликка кўмаклашиш маркази хонадонга сув насоси олиш учун амалий ёрдам берди.

Узоқ йиллар чорвачилик ҳўжалигида ишлаб нафақага чиққан Абдурашид Ақромов уста томорқачи. Кексалик бекорчилик эмас. Оила раҳбари томорқа юмушларини бажаришда фарзанд ва



набираларига бош-қош. Хонадон томорқасининг ҳар қаричи ҳисоб-китобли. Етти сотих иссиқхонадаги сабзавот экинлари ҳосил чўғидан далолат бериб турибди. Томорқачи ўз иш тажрибасини маҳалла, қўни-қўшнилар билан баҳам кўради, маслаҳат, йўл-йўриқ беришни қанда қилмайди.

— Бу — биринчи ҳосилимиз, — дейди Абдурашид ака плёнка остида бўй чўзиб турган бодринг кўчатларини кўрсатиб. — Утган йили 40 миллион сўмдан ортиқ соф даромад олдик. Машина,

уй-жой, тўй-ҳашам мана шу меҳнат ва изланишларимиз маъсули. Бир дона бодринг кўчатининг бугунги баҳоси 1000 сўм. Бошқа сабзавот кўчатларининг ҳам бозори чаққон. Ҳар бир ютуқнинг ўз ҳақмати бор. Ерни тайёрлаш, уруғ қадаш, совуқ кунларда тулнларни бедор ўтказиш талаб этилади. Томорқачиликнинг бу олтин қойдасига амал қилмай туриб, бирор ижобий натижага эришиб бўлмайди.

— Ҳудудимизда йирик ишлаб чиқариш тармоқлари йўқ, — дейди

ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ

ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИ БЕПАРВОЛИК БИЛАН ИШЛАЙ ОЛМАЙДИ

Бизнинг асосий мақсадимиз — “Халқ қабулхоналари”га қилинган ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмайдиган тизим яратишдан иборат.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**Шавкат УМИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президентининг Тошкент
туманидаги Халқ қабулхонаси
етакчи мутахассиси**

Эндигина 19 ёшни қаршилаган Шаҳзод Қодиров қўллаб-қувватлаш қатори қатъий ҳаракати ва меҳнати билан ўз бизнесига эга тадбиркорлар сафига қўшилди. Тошкент туманида истиқомат қиладиган бу йигит “Ёшлар — келажагимиз” давлат дастури доирасида 150 миллион сўм миқдорда кредит олиб, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчасини очди. 7 нафар ёшнинг иш билан таъминлаб, уларга яхши иш ҳақи тўлаб келмоқда.

Бугун мамлакатимизда ана шундай фаол, ғоя ва аниқ мақсадига эга, тадбирли, билимдон йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг етакчи мақсадига айланди. Аинқаса, Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йилида барча давлат идоралари бу борадаги тадбирларни самарали амалга ошириш, Шаҳзода каби интилувчан ҳар бир ёш билан алоҳида ишлаб, уларнинг муаммоларига ечим топиш, катта ҳаётга дадил қадам қўйишда қанот бўлишга фаол киришган.

Ўзбекистон Президентининг Тошкент тумани Халқ қабулхонаси ҳам фуқаролардан моддий ёрдам, уй-жой, пенсия ва нафақа тўлови, тадбиркорликни ривожлантиришда банклар қўмағи ва кредит олиш бўйича тушаётган қўллаб-қувватлашнинг ижобий ҳал этиш бора-бариде сектор раҳбарлари иштирокида сайёр қабуллар ташкил этиб, аҳоли, аинқаса, ёшлар ўртасида боқимандалик кайфиятининг олдини олиш борасида тизимли ишлар қилмоқда.

Тумандаги “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”га киритилган йигит-қизлар ҳамда аёлларни

касб-хунарга ўргатиш, бандлигини таъминлаш, бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоясини қучайтириш ва муаммоларини ҳал этишга қаратилган тадбирлар ўз мевасини бермоқда.

Тошкент тумани Халқ қабулхонасига 2020 йил давомида жами 883 та мурожаат келиб тушган бўлса, шундан 706 таси, яъни 79,9 фоизи қанотлангиларилган. Бундан 128 таси ижобий ечим топиб, 578 та мурожаат ҳуқуқий масалахат ва маълумот бериш орқали ҳал қилинган. Мурожаатчилар орасида ёшлар кўпчиликини ташкил этади. Хусусан, туман Халқ қабулхонасига қилинган мурожаатлардан сўнг 2018-2020 йиллар мобайлида “Ёшлар — келажагимиз” жамғармаси томонидан ҳудуддаги 11 нафар йигит-қизга 6 миллиард 173 миллион сўм кредит ажратилиб, 141 та янги иш ўрни яратилди.

Бир қатор ташкилотлар иштирокида Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини йили доирасида ўтказилган турли тадбирлар, ҳафтада бир маротаба бўлиб ўтадиган учрашувларга келиб йигит-қизлар жалб қилинаётгани бежиз эмас. Боиси, бу тадбирлар шунчаки ўтказилаётгани йўқ. Уларда ёшлар томонидан кўтарилган муаммолар масалалар, мурожаатларни ижобий ҳал этиш мақсадида “йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, мутасадди идоралар билан ҳамкорликда ижросини таъминлаш чора-тадбирлари қўрилмоқда.

Жараёнларда ёшларнинг билим олиши, китобхонлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Ана шундай учрашувлар давомида йигит-қизларга 1800 тадан ортиқ бадий ва аудио-китоб совға қилинган бўлса, туманда электрон кутубхонанинг ташкил этилиши билимга чанқоқ ёшлар учун чинакам қувончли воқеа бўлди.

Баркамол авлодни тарбия қилишнинг муҳим шартларидан бири спорт ёрдамида соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш эканини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Тошкент туманида ҳам спортсевар ёшлар кўп. Уларнинг қўндалик машғулотлар билан мунтазам шуғулланишлари учун мингдан



маҳалла фуқаролар йиғини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари Ашурой Исмолова. — Лекин бу ишсизлик келиб чиқиши учун асос бўлаётгани йўқ. Икки сотих экин майдони бор одам камбағал, бекорчи бўлмайди. Шу боис, ҳар бир масалага уйма-уй, “маҳаллабай” асосида ечим топишга ҳаракат қилаямиз. Бекор юрган одам, бўш қолган томорқа майдони йўқ. Йилнинг тўрт фаслида кафтдек ердан унумли фойдаланаётган томорқачилар сафи кундан-кунга ортиб бормоқда. Шу кунга қадар кам таъминланган 33 оила мўқим даромад манбаига эга бўлгани боис, “Темир дафтар”дан чиқарилди. Аинни кунда ишсиз 22 нафар хотин-қизнинг 11 нафарига субсидия орқали иссиқхона қуриб бериш, бир нафарига тадбиркорлик фаолияти учун кредит ажратиш режа қилинди, яна бири қайта касбга ўқитиш учун йўналтирилди, қолганларга ҳуқуқий, психологик масалахатлар берилди.

Маҳалладаги 864 та хонадондаги 40 гектардан ортиқ томорқа эгалари йилига тўрт мартагача ҳосил олмоқда. Натижада камбағал, ижтимоий ҳимояга муҳтожлар кундан-кунга камайиб борапти. Ёлғиз, бокучисини йўқ, имконияти чекланган оилалар саховатпеша кишилар ҳимоясида.

“Маҳаллабай” ўрганишлар чоғида ишчи гуруҳ туманда 37 минг 148 нафар томорқа ер эгаси борлигини аниқлади. Аҳолининг кам таъминланган қисmini камбағалликдан чиқариш мақсадида 2 та кооперация ташкил этилиб,

“Ўзумзор” маҳалласида 64 фуқарога 32 гектар ер майдони ва Қўштепа ҳудудидан 68 қишлоқ 34 гектар майдон ажратилди. 114 нафарига имтиёзли кредит, 108 нафар ер эгасига субсидия асосида иссиқхоналар қуриб берилди.

— Ишчи гуруҳ тузилиб, хонадонмахонадон юриб, томорқадан тўғри фойдаланиш назорат қилинапти, — дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Бувайда тумани бўлими раиси Олияхон Асқарова. — Шу кунга қадар 36 та маҳалла фуқаролар йиғинида “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойилига асосланиб, томорқачилик анъаналарини ривожлантириш, ташаббусларини қўллаб-қувватлашга эътибор қаратяпти. Жумладан, “Найман” маҳалласида помидор, бодринг кўчатлари, “Оққўрғон” маҳалласида шолғом, редиска, “Юқори Манғит” маҳалласида қулупнай, “Беклар”да лимон етиштириш бўйича тажрибалар оммалаштирилмоқда.

Туманда 450 дан ортиқ янги иссиқхона қурилиб, улар сони 1 минг 183 тага етди. Ташаббус билан чиққан 389 та фермер ҳўжалиги томорқа майдонларини ҳайдаш, мевали дарахтлар, сабзавот уруғларини етказиб беришда 3 минг 377 та хонадонга кўмаклашмоқда. Барча ҳудудда қишлоқ хўжалик музлаткичлар, экодўконлар ташкил этилди.

Серхосий еримиз, даромад олишга томорқачилик бор экан, ундан доимо унумли фойдаланиш лозим. Дунёда саъй-ҳаракат таъминлаш ҳақматсиз бой бўлган давлат ҳам, хонадон ҳам йўқ. Ҳамма нарсаси меҳнат, изланишга боғлиқ. Ким меҳнат қилса, роҳат кўради.

МУНОСАБАТ

СУВ ТОЗАЛАШ МОДУЛИ
ЭКСПЕРТИЗАСИ

ёхуд илм-фан тараққиёти ва
экотизим мувозанати

Саодат ТУРСУНБОЕВА,
“Sharq ayoli” ХАЖФ бошқаруви раиси,
халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлиси Мурожаатномасини ўқир эканман, ушбу муҳим дастурда акс этган ташаббусларни амалга оширишнинг асосий йўли илм-фан тараққиёти, ўқув интизомларининг халқаро интеграцияси, технологияларни узатиш, экотизимни сақлаш, экологик тоза ишлаб чиқариш тизимини яратишдан иборат эканлигига амин бўлдим.



Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши, албатта, ижтимоий-иқтисодий, илмий ва экологик тараққиётнинг ўсиш прогрессига боғлиқ. Бу эса мамлакат сийосатига ностандарт инновацион ечимларни самарали татбиқ этишининг комплекс дастурларини қабул қилишни тақозо этади. Президентимизнинг ушбу ташаббуси Ўзбекистонни ривожлантиришга юртдошларимизни фаол жалб қилиш моҳиятини янгича қараш билан тушуниш ва уларни ҳал этиш йўллари н назарда тутаети.

Хозирда нодавлат нотижорат ташкилотлари Ўзбекистон фуқаролик жамиятининг бошқа вакиллари қатори халқаро ҳамкорлигининг янги шакллари ва усуллари пайдо бўлиши учун кучли туртки бўлган интеграция ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ташаббуси билан чиқмоқда.

Шу маънода Ўзбекистондаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг интеллектуал ҳамда административ ресурслари тегишли вазирлик ва идоралар, шунингдек, вилоят ҳокимликлари билан қўшма ресурслар стратегиясини ишлаб чиқишда муҳим роль ўйнайди. Бу борада таълим тизимини ривожлантириш стратегик максадлари ва миллий экологик стратегияси барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари учун ҳам устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

“Sharq ayoli” халқаро аёллар жамоат фонди шунингдек Нодавлат Халқаро лойиҳа бюроси ўтган йили Қорақалпоғистон ва Хоразм минтақаларида иш шароитлари учун “УзУралИмЭкс” компанияси ишлаб чиққан махсус тажриба-саноат сув тозалаш модулини экспертизадан ўтказди. Қорақалпоғистонга модуль етказилди, ушбу ташаббус билан Фондимиз давлат дастурларига ўз ҳиссасини қўшаётганлиги қувонарлидир.

Жамоат фонди раҳбари ва Сенатнинг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитасининг эксперт гуруҳи аъзоси сифатида ННТларнинг Экология соҳасидаги фаолияти моҳияти борасида ўз мулоҳазаларини билдирмоқчиман.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари тежамкор экологик тоза инновацион технологияларни жорий этишга қўмаклашиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги тадқиқотларни илгари суриш, минтақани ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини ҳал этишга қўмаклашиш борасидаги лойиҳаларни амалга оширади. Шунингдек, аҳолига

экологик аъналарни тарғиб қилиш, жамоат экологик бошқарувининг долзарблигини кучайтириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустақамлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ва экосаломатлик бўйича аҳоли ўртасида кенг қўламдаги тарғибот тадбирларини ҳам ўтказаети.

Кейинги йилларда ҳудудларнинг экологик хавфсизлигини ўрганиш, маҳаллий (уй, иш жойи) атроф-муҳитдаги хавф омилларини аниқлаш, аҳоли яшаш ҳудудларида саноат корхоналарининг теварак-атрофга таъсирини камайтиришни доимий назорат қилиб бориш, муқобил энергия манбаларини қишлоқ жойларига ўрнатиш, яъни қуёш энергияси усуналарини қуриш жараёнида қўллаб муаммолар юртдошларимизни безовта қилмоқда. Айни кунларда мавжуд вазият сабабларини ўрганиш ва уларнинг ечимини топиш учун нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан янги лойиҳалар амалга оширила башланади.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, юртимиздаги таълим жараёнини ислоҳ қилиш борасида ҳам эътиборга молик лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Ушбу жараён доимо модернизация қилиниши зарур. Бугунги кунда ўқувчилар дарсликлар билан таъминланган бўлса-да, уларнинг савияси ва сифати кўнгилдагидек деб айтолмаймиз. Бунинг учун нафақат альтернатив дарсликлар, ҳаттоки альтернатив ўқув-услубий комплекслар: иш китоблари, мультимедиа иловалари каби турли хил манбалар билан болаларни мустақил равишда билим олишга қизиқтириш мумкин.

Юксак савияли таълим муҳитини яратиш мақсадида болалар учун илмий-оммабоп китобларни нашр этиш, юқори сифатли аудио, видео материаллар, онлайн тестлар ва ушбу соҳадаги шахсий ташаббусларни қўллаб-қувватлайдиган ўқувчилар учун қўшимча махсус ўқув ва ахборот веб-сайтларини яратиш керак.

Махсус мактаблар ва алоҳида эҳтиёжли ўқувчилар учун дарсликлар мавжуд. Аммо жисмоний ёки ақлий ривожланишида ногиронлиги бўлган, узоқ мuddатли даволашнига муҳтож, меҳнотонлик уйда тарбияланадиган болаларга эътиборни янада кучайтириш зарур деб биламан. Муҳими, махсус дарсликлар уларга етиб бориши, деярли ҳамма жойда уй шароитида ўқитиш фаолияти билан махсус билим ва тегишли тайёргарликка эга ўқитувчилар шуғулланишлари мақсадга мувофиқ.

Хозирги давр ҳар бир ўқитувчининг иш жойи нотўғр ва интернетга улашни

билан таъминланишини талаб қилади. Шундагина ҳар қандай ўқитувчи унга тақдим этиладиган ягона дарсликнинг электрон версияси билан ишлаши ва электрон қўндалигини тўлдириши мумкин. Бундай шароитда ўқитувчи дарс жараёнига сифатли тайёрланиш, касбий маҳоратини ошириб бориш, ҳатто масофадан ўқитиш, халқаро мусобақаларда қатнашиш имконига эга бўлади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълимдан ташқари ушбу соҳа қўшимча таълимни ҳам ўз ичига олади. 2018-2020 йилларда қўшимча таълим йўналишида Фондимиз хорижий ва маҳаллий грантлардан маблағларни жалб этди. Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда молиялаштириш шартларига кўра, Россия Федерациясининг “Рус Гуманитар Миссияси” автоном нотижорат ташкилоти кўмагида қишлоқ мактабларига хайрия лойиҳалари амалга оширилди. Масалан, 11 та смарт синфлар ташкил этилиб, 7 мингдан ортиқ дарсликлар топширилди. Зомин туманининг 4-умумтаълим мактабига 10 КВт.ли ва карантин пайтида Қорақалпоғистоннинг Нукус шаҳридаги 4- ва Хўжайли туманидаги 3-мактаб-интернатларига 12 КВт.ли қуёш батареялар бепул ўрнатилди.

Пандемия даврида 2020 йилнинг март ойидан бошлаб Фондимиз “Classcom Virtual ахборот тизими” лойиҳасини қўллаб, Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида барча минтақаларда рус тили ўқитувчилари учун тренинглар ўтказилди. Ушбу акцияда 18 700 дан ортиқ ўқитувчи иштирок этди. Бу жараёнда улар “Рус тили ўқитувчилари учун виртуал кабинет” мобиль иловаси орқали “Classcom” платформасига бепул улашниди.


АҚШ халқаро тараққиёт Агентлиги(USAID)нинг тадбиркорлиқни ривожлантириш бўйича лойиҳаси иштирокида Тошкент вилоятида фаолият кўрсатаётган 1 000 нафар тадбиркор аёллар учун “Электрон тижоратни ривожлантириш, Ўзбекистон қонунчилигини такомиллаштириш ва АКТ соҳасидаги халқаро минтақавий ҳамкорлиқнинг долзарб йўналишлари бўйича USAID экспертлари иштирокида семинарлар ташкил этиш” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳамиз Сенат, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида бажарилапти.

Хозирги кунда ташкилотимиз “АНФА — Халқаро нодавлат тиббиёт кластерини ташкил қилиш” лойиҳаси доирасида маҳаллий ресурсларни жалб этиб, “АНФА” хусусий клиникаси қошида шифокорларимиз учун ТДСИнинг “Акушерлик ва гинекология” ҳамда ТМАНинг “Қўз касалликлари” кафедраларининг профессорлари ҳамкорлигида малака ошириш илмий-ўқув семинарларини ўтказиш режалаштирган.

Ташкилотимиз тажрибасидан келиб чиқиб, таълим соҳаси ривожига муайян ҳисса қўиш имконини берувчи ННТларининг фаолият йўналишлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Аввало, улар минтақавий ўқув ва мактабгача таълим ташкилотларини моддий-техник ва услубий базасини мустақамлаш ишлари эътибор қаратишни мақсад қилган. Мультимедиа ўқув дастурларидан фойдаланган ҳолда, қўшимча таълим бериш, робототехника, дастурлаш бўйича ўқитиш, чет тиллари, биология, физика, астрономия, кимё ва бошқа фанларни чуқур ўрганишга қўмаклашиш ҳам асосий вазифаларимиздан бири эканлигини яъши биламиз.

Бунинг учун эса келгусида минтақавий ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини ҳал этиш учун кредит ва грант маблағларини жалб этишга, таълим соҳасида халқаро илмий ҳамкорлиқни ривожлантиришга қўмаклашишимиз жуда муҳим. Зеро, таълимга эътибор ҳар бир миллатнинг тараққиётини белгилوки асосий омилдир.

ТАЪЛИМ ВА ИННОВАЦИЯ



ХИММОТОЛОГ-МУТАХАССИСЛАР КЕРАК

Абутолиб СОБИРЖОНОВ,
Тошкент давлат транспорт университети
транспорт энергетик қурилмалари кафедраси доценти,
техника фанлари номзоди

Бундан ўттиз йилча бурун бир даврада мендан химмотолог қандай касб эгаси, у шифокорми, кимёгарми, муҳандисми, деб сўраб қолишди. Мен ҳазиллашиб, у “шифокор”, фақат транспорт воситаларининг “диетолог-шифокори”, деб жавоб бердим. Ва уларга химмотолог ибораси нимани англатиши, тарихи, бугуни ва келажаги ҳақида тушунтирдим.

Сўхбатдошларим бунга қизиқиб қолиб, ҳатто бир-иккитаси шундай мутахассислиқни танласак бўларкан, келажаги бор экан, деган фикрни билдиришди.

Сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таълим соҳасида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Бугунги давр биз, профессор-ўқитувчилардан барча долзарб масалаларни ечиш, замонавий билим ва кўникмаларга эга мутахассисларни тайёрлашда таълим жараёнини фан, ишлаб чиқариш ва инновация билан ўйғунлаштирган ҳолда олиб боришни тақозо этмоқда.

Шу боис, янги Ўзбекистон учун янги йўналишлардан бири бўлган химмотология фани бўйича бакалаврлик таълимини тиклаш, шунингдек, магистрлар тайёрлашни ҳам йўлга қўйиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Инсоният тараққиёти ва фаровонлигини энергия манбаларисиз, биринчи навбатда, анъанавий нефть маҳсулотлари, қолаверса, мўқобил, қайта тикланувчи ресурсларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу ўринда химмотология фани ва унинг амалиётга жорий этилиши тарихига назар ташласак.

Давр маҳсули уларок, ўтган асрнинг 50-60 йилларида фан ва техникада янги изланишлар — ёнғил ва мойлаш маҳсулотларидан самарали фойдаланиш назарияси ва амалиётдан иборат илмий йўналиш — химмотология фани вужудга келди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йиллар ҳамда совуқ уруш сийсати туфайли собиқ иттифокда илк бор химмотология фани билан шуғулланадиган ҳарбий илмий-тадқиқот институти ташкил этилди. Бу йўналиш ўз таркибига бир нечта фан ва соҳани бирилаштирди. Чунки химмотолог мутахассис ҳам техника тузилиши ва ундан фойдаланишни, ҳам улар учун қўлланиладиган ёнғил, мой, махсус суюқликларда юз берадиган ўзгаришлар, уларни ташиш, сақлаш ва қўллашни оқилона ташкил этишга доир билимларга эга бўлиши лозим эди.

Химмотология олий таълимга машинасозлик, нефтини қайта ишлаш, физик ва коллоид кимё, ейилиш ва зангшлаш назариялари, гидравлика қонунлари ҳамда экологик таъсирларни ўз ичига олган фанлар мажмуаси сифатида кириб келди.

Бугунги кунда халқ ҳўжалигининг қўллаб тармоқлари самарадорлиги, техника воситалари ишончилиги ёнғил-мойлаш маҳсулотлари сифатида боғлиқлиги сир эмас.

Мамлакатимизда химмотология фани пойдеворини қўйишда академиклар О.Салимов, О.Лебедев, С.Негматов, С.Қодиоров, А.Жалилов, профессорлар А.Муталибов, А.Беленчик, У.Икрамов, Қ.Шарипов, Ш.Абдуллаев, Б.Ҳамидов, Ш.Сайдахмедов ва Э.Сайдахмедов катта

ҳисса қўшган. Ва уни айни пайтда Тошкент давлат транспорт университети профессор-ўқитувчилари Ю.Шодиметов, Б.Базаров, А.Барханаджян, Н.Мўминжонов, З.Алимова, Р.Ҳакимов ва А.Собиржонов муносиб давом эттирмоқда.

XX аср охирида Буюк ипак йўли марказида жойлашган Ўрта Осиё минтақасида бир нечта мустақил давлатлар вужудга келди. Табиийки, ҳар бир мамлакат ўз имконияти, иқтисоди, ижтимоий ҳолатидан келиб чиқиб, мустақил ривожланиш йўлини танлади. Бу, ўз навбатида, асрлар давомида шаклланган алоқаларнинг узиллиши, ҳатто бутун минтақани бирилаштирган қадимий Буюк ипак йўлига маълум маънода тўсиқ бўлди.

Айни пайтда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан “Бир макон, бир йўл” тамойили доирасида ана шу қадимий қарвон йўли босқичма-босқич



тикланмоқда. Бу йўлдан энди турли модель ва маркалардаги автомобиль, поезд ва бошқа транспорт “қарвон”лари ўтиши, шубҳасиз. Йўл ёқасида уларга хизмат кўрсатувчи сервис корхоналар, мотеллар, катта-кичик устоналар, ёнғил қуиш шохобчалари, мой алмаштириш нуқталарини жойлаштириш ва уларнинг самарали ишлашини ташкил этиш лозим бўлади.

Сўнгги ўн йилда автомобиль маркалари, уларга қўйилаётган

ёнғил- мойлаш маҳсулотлари тури қўлайди, сифати ва нарх-навоиси бир-биридан фарқ қилади. Мамлакатимизда кўпроқ ўзимизда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар, қўшни давлатларда эса, асосан, Россия, Хитой, Япония ва Корея Республикасидан олиб келинган автомобильлар қўяла болибди.

Шу боис, бугунги кунда автомобиль “таомнома” (меню)сини танловчи ва тайёрловчи — химмотологларга талаб ва эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Қолаверса, Учинчи Ренессансга пойдевор қўйилаётган бугунги кунда кенг соҳалар, ноанъанавий йўналишларда комплекс изланишлар олиб боришга лаёқатли ёшларни тайёрлаш олдимизда турган муҳим вазифа саналади.

Тошкент давлат транспорт университетининг ташкил этилиши химмотология фани бўйича изланишларни янада кенгайтириш, нафақат автомобиль, балки темир йўл транспорти, аэропортлар, машина-трактор парклари ҳамда Марказий Осиё давлатларида фаолият кўрсатаётган минглаб ёнғил-мойлаш маҳсулотлари таъминоти корхоналари учун ҳам мутахассис кадрлар тайёрлашга имкон беради.

Бундан 10-15 йил олдин университетни битирган сўнгги магистр химмотологларнинг ярмига яқини PhD диссертациясини ёқлаб, мамлакатимиз илмий-ўқув муассасаларида, “Ўзстандарт” агентлиги, Фанлар академияси институтларида фаолият кўрсатмоқда.

Транспорт воситалари учун нефть маҳсулотлари билан бирига мўқобил энергия манбаларини қўлайтириш, уларни қўллашда ёнғил ва экологик хавфсизлиқни камайтириш, ёнғил-мойлаш маҳсулотлари анатомияси ва компонентларининг нано ўлчамлардаги таъсир механизми ҳамда техникалар тузилиши ва уларнинг эксплуатацияси бўйича билимга эга, транспорт воситалари учун махсус “таомнома”лар тайёрловчи мутахассислар — муҳандис-химмотологларни диетолог-шифокорларга менгзаш мумкин.

Айни пайтда университетимиз қошида химмотолог ва экологлар клубларини ташкил этилди. Улар нафақат олим ва талабаларимиз, балки ана шу соҳа ва мутахассисликка қизиққанлар, жумладан, чет элликлар учун ҳам очиб бўлишни истаймиз. Бундан ташқари, клубларимизга ўсимлик шаклидаги тикланувчи энергия манбаларини ўстирадиган ва уларни қайта ишлайдиган мутахассисларни ҳам тақлим этамиз. Чунки юртимизнинг барча гўшасида таркибида мой, эфир, каучук каби моддаларга бой бўлган ўсимликларни етиштириш имконияти мавжуд. Қайтар жараёни таҳлил қилиш, қайта тикланувчи манбалардан келажакда ёнғил-мойлаш маҳсулотлари олишни ўрганиш ва йўлга қўйиш, лаёқатли мутахассислар тайёрлаш бугунги кўннинг долзарб вазифасига айланди. Айни шу мақсадда соҳаларо илмий лаборатория ташкил этиш, агрономлар, кимёгар-технологлар ва транспорт муҳандисларини бир жойга жамлаб, уни дастлабки даврда молия билан таъминлаш учун Инновацион ривожланиш вазирлиги кўмаги зарур бўлади.

Сифатли яратилган ва танланган ёнғил-мойлаш маҳсулотлари, турли хил техник суюқлик ҳамда эксплуатация материаллари транспорт воситаларининг узоқ мuddат ва самарали ишлашига қафолат вазифасини ўтайди.

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯ

“ЭЛЕКТРОН ПОЛИКЛИНИКА”:
ҳам вақт тежалади, ҳам тиббий хизмат
сифати ва самарадорлиги ошади

Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Қўндалик ҳаётимизга жорий этилаётган “Электрон поликлиника” ахборот тизимининг афзаллик жиҳатларидан бири — унда ҳар бир фуқаронинг саломатлигига доир барча маълумотлар ягона электрон базага жамланади. Поликлиника шифокори бемор ҳузурига келгунига қадар у хусусида барча маълумотга эга бўлади.

Бунда ҳам ортиқча қорозбозликка барҳам берилади, ҳам вақт тежалади. Шу билан бирга, тиббий хизмат сифати ва самарадорлиги ошади. Тизим поликлиникаларда автоматлаштирилган амбулатор электрон картани юритиш, аҳолига онлайн, яъни уйдан чиқмаган ҳолда яшаш жойи бўйича шифокор қабулига ёзилиш ва қўлай вақтда тиббий хизмат олиш имконини беради. Шунингдек, бемор зарурат туғилганда нафақат ўзи яшайдиган жойдаги поликлиникага, балки республиканинг исталган манзилидаги

тиббий-санитария ёрдами муассасасига мурожаат қилиши мумкин. Бундай пайтда унга компьютерга киритилган картадаги маълумотлар қўл келади.

Янги тизим Қорақалпоғистон Республикасида ҳам босқичма-босқич жорий этилмоқда. Президентимизнинг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида Бўзатов, Тахياتош туманлари ҳамда Нукус шаҳридаги поликлиникаларга “Электрон

поликлиника” ахборот тизимини жорий этиш белгиланган.

Мазкур фармон ижросини таъминлаш мақсадида Бўзатов тумани тиббиёт бирлашмаси қўл тармоқли поликлиникасига 2 та компьютер, 1 та POS принтер, 1 та электрон табло ва 3 та принтер ажратилди. Шунингдек, тумандаги 5 та соғлиқни сақлаш муассасасига “Электрон поликлиника” ахборот тизими жорий қилинди. Ушбу тизимдан самарали фойдаланиш учун поликлиникалардаги масъул ходимлар Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини

ривожлантириш вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси, Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари томонидан ўқитилди.

— Тахياتош тумани қўл тармоқли поликлиникасида “Электрон поликлиника” тизими жорий этилган. Рўйхатга олиш хонасидаги компьютерлар интернетга уланган, электрон навбатни кузатиб бориш учун монитор ўрнатилган, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Улуғбек Ўтамуродов. — Айни пайтда ҳудудимизга қарашли аҳоли рўйхатга олинди, тизимдан фойдаланиш учун 20 та компьютер жамланмаси сотиб олинди.

Нукусда ҳам шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 9 та оилавий поликлиникада “Электрон поликлиника” тизими жорий этилган. Тизимга бу поликлиникалар хизмат кўрсатадиган аҳолининг 98 фоизи кирилтирилган.

Айтиш жоизки, янги тизим ҳар томонлама қўлайлиги билан аҳоли узоғини яқин, мушуқлини осон қилди.



Китоб одамни ўзгартиради, деган гап китобий эмас. Яхши ёзилган китоб одамни, унинг ҳаётини, дунёга қарашини ўзгартириб юборишига ишонаман. Бу ибратли жараёни ўз ҳаётимда бошимдан ўтказганман. Ёсимни танигандан буён китобга астойдил меҳр қўйганимдан сўнг англаб етдимки, китоб ўқиш энг сеvimли ва мароқли машғулот экан. Лекин таялаб ўқишни билмасдим. Буни менга ҳеч ким айтмаган ва ўргатмаган эди.

АБДУЛЛА ОРИПОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

“РУҲИМ” ДАН “ЭВЕРЕСТ ВА УММОН” ГАЧА



Ашурали ЖҲРАЕВ, ёзувчи

Ўшанда 8-синфда ўқирдим. Бобом берган пуллардан иқтисод қилиб, Карманадаги китоб дуконига келган янги китоблардан сотиб олардим. Бир гал китоб дуконига борсам, шоир Абдулла Ориповнинг “Руҳим” (Ғафур Ғулум номидagi адабиёт ва санъат нашриёти, 1971 й.) деб номланган шеърлар китоби келган экан. Дарҳол сотиб олдим. Китобни сабрим чидамай, автобусда ўқий бошладим. Китоб дастлабки сатрлари билан мени сеҳрлади. Биринчи шеър “Одамлар” деб номлангани ҳамон ёдимда. Ўша кунни ухласдан китобдаги шеърларни қайта-қайта ўқиб чиқдим.

Бу китобга қизиқишим ва мутлоаа фаолиятимда ҳақиқий инқилоб ясади. Ўша кунгача ўқиган китобларим бир томон, “Руҳим” китоби бир томон эди. Китобдаги шеърлар мен ўқиган бошқа шеърларга мутлақо ўхшамасди.

“Руҳим” — руҳимда бекиёс бўронлар ясади, ёш ақлимни шоширди.

“Руҳим” — адабиётнинг сирли, сеҳрли эшикларини очди.

“Руҳим” — шеърятнинг жозибадор ва бетакрор тафаккур оламини англашга ўргатди.

“Руҳим” туфайли адабиётнинг ва шоирнинг ашаддий муҳлисига айландим. Китоб юрагимга чўғ солди...

Бу сўнмас шеър чўғи ҳамон қалбимда алангаланиб келади...

“Руҳим” ҳақиқий маънавий ҳамроҳим, чинакам сирдошим, чин дўстимга айланди. Шу боис, бу китобни доим ёнимда олиб юрардим.

Китобдаги шеърларни ёд олиб, турли тадбирлар, йиллар ва дўстлар даврасида айтиб бераддим. Гарчи китоб кўлма-кўл ўқилган, ундаги шеърларни кўпчилик синфдошларим дафтарларига кўчириб олган бўлса-да, шоирнинг номи тиллардан тушмас эди. Гўё Абдулла Орипов бизга мактабда дарс бераётган, ё бир қишлоқда яшаётгандек эди. Абдулла Орипов шеърлари топ-тоза ҳаво эди, назаримда. Мен шу ҳаводан симириб-симириб нафас олардим. Бу шеърлар ичиб-ичиб тўймайдиган тип-тиник булоқ сувларидай соф эди. Мен ундан қанчалар тўйиб ичмай, чанқоғимни қондоролмасдим. Лекин ёш ақлим билан бу бебаҳо хазинани, бетакрор ҳикматлар мағзини теран англаб етмасдим. Китобни эса қайта-қайта ўқигандан, шеърлар қатига яширин ҳикматларни тушуниб етишдан эринмасдим. Худди қувиға солинган оппоқ сутни ҳар сафар пиш-как билан уриб кўпиртирганда лўнда-лўнда қаймоқ ажралиб чиққанидек, шеърларни ҳар гал ўқиганимда теран ҳикматлар намоён бўлаверарди. Масалан, “Ўзбекистон” шеърини ўқиганда: “Она халқим, жон таним маним. Ўзбекистон Ватаним маним”, деб бор овозда ҳайқиргим келарди. “Ўз тудананан нега учдинг, қайтиш йўлни билмасангиз?” деб митти юлдуз ҳолига ачинардим. “Она сайёра” шеърдаёи: “Ўммонлар кўрнар қатра ёш мисол. Чигит уюлгича келмас

тоғлар ҳам...”, “Шарқда чўпон ёққан гулҳаннинг нури, Шимол сайёҳига кўриниб турар” мисраларини ўқиб, уларни ҳаяжон билан тасаввур қилардим. Ғафур Ғулум хотирасига ёзилган “Алвидо, Устоз” шеърдаги: “Еруғ бу оламда бормикан ахир, шоир ўлимидан ортиқроқ мотам!” йўқлигига қайғурардим. “Муножот”ни тинглаб’ни ўқиганимда, “Қуёш шундай бўлса, ғамнинг ўзига, қандай чидай олган экан одамзод!” дея ғамгин ўйларга ботардим. “Қарши қўшиғи”ни ўқиганимда, Қарши чўлларига астойдил меҳрим тушиб қолгани рост. “Биринчи муҳаббатим” юрагидан ишқ ниш урган тенгдошларимнинг севги мадҳияси эди. Севгида омади чопмаган айримлар:

— Хайр энди...
Қалбимда бир видо қолди,
Хайр энди, сен кетдинг, беғуноҳ оҳу.
Бугун сен қайдасан?
Қайларда қолдинг?!

деб нидо қилган мажруҳ юраклар аҳволига гувоҳ бўлганман. “Илтижо”ни ўқиганда эса: “Айрилиқдан кўркмасман буғун, Мен кўрқаман севиб қолишдан”, деган ҳадиқ вужудимда илдиз отган. “Сен баҳорини соғинмадингми?” деб илтижолар қилганман. “Аёл” шеърини ўқиганда, юрагимиз



алам билан йиллаган. “Най”нинг фарёди ҳамон кўлоғимиздан кетмайди. Ҳамон “Дорбоз”да ёзилганидек: “Биз-чи, эҳ... баъзи бир қўзи очқилар. Эллаб юролмаймиз катта йўлда ҳам”.

“Онажон” шеърини мангу видо қўшиғи, деб атагим келади:

Тушларимда, майли, бошим
Силаб туреин, онажон.
Қолаанларга энди умр
Тилаб туреин онажон...

“Руҳим” ана шундай руҳий куч-қудрат билан мени Тошкент сари етаклади. Абдулла ака бир шеърда: “Мен шеър излайман Тошкент кўчаларида”, деб ёзган. Мен эса пойтахт кўчаларида Абдулла Ориповни изладим. Излаб-излаб топдим...

Ўшанда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида ишлардим. Таниқли буфиз ва шоир акаимизнинг хонадонидан бир пие-ла чой устида маърифий суҳбат бўлди. Абдулла Орипов давранинг тўрида савлат тўкиб ўтирарди. Даврадагиларнинг нигоҳи у қишида эди.

Ўшанда даврадагилардан баъзилари тоза ҳаво олишга чиқди. Менинг кўзим Абдулла акада эди. Қутилмаганда у киши мени имлаб ёнларига чақирди. Салом-алиқдан сўнг ўтиринг, деб ишора қилди. Орузум ушлаган эди.

— Қаерлиқсиз, ука? — деб сўради.
— Бухоронинг Навоийсиданман, — дедим ҳаяжон билан.

— Сизни ким тарбия қилган? — яна савол берди Абдулла ака.
— Бобом билан бийим, — дедим.
— Улар ҳаётимлар? — яна сўради устоз.

— Бобом оламдан ўтган. Бийим ҳаёт, борлар, — дедим.

— Момодан тез-тез хабар олиб турунг, — деди Абдулла ака. Сўнг давом этди: — Ёзганларингизни адабиёт газетасида ўқиялман. Яхши. Дадиллик бор. Энди бир гап: яхши нарсаларни ёзаверинг. Лекин мана шундай камтар, оддий бўлиб юринг. Яхши китоблар ёзинг, Тошкентдаги изларингиз беҳуда кетмасин. Одамийлик билан камтарлиқни унутманг, — деб қатъий тайинлади.

Устознинг бу бебаҳо панд-насихат ва ўғитлари менга ҳамон йўлчирик бўлиб келаётир. Ўша кун мен учун ҳақиқий байрам ва бир умр хотирамдан ўчмайдиган кун бўлгани ҳали-ҳануз ёдимда.

Яна бир ёрқин хотира. Ўзбекистон халқ артисти, миллий астрада санъати асосчиси Ботир Зокиров ҳаёти ва ижодига қизиқиб, мақолалар ёзиб юрардим. Бир кунни наватдаги мақоламини ўқиган устоз Абдулла Орипов бундай деди: “Ука, Ботир ака ҳақидаги мақолангизни ўқидим. Яхши ёзибсиз. Ундан

бир китобнинг ҳиди келяпти. Ботир Зокиров санъатимиз ва маданиятимизнинг йирик ва ҳаяжон биладиган намоёндаси эди. Шу улуг инсон ва санъаткор ҳақида китоб ёзсангиз, хайрли иш бўларди”...

Тақлиф жуда ёқди. Абдулла аканинг турткиси ва тақлифи билан “Юрак бўронлари” китоби яратилди.

Миллатимизнинг улуг шоири Абдулла Орипов умрининг сўнгги йилларида катта давралардан четда қолди. Ўшанда камина “Ўзбекистон” НМИУда хизмат қилардим. Абдулла Орипов янги ёзилган шеърларини китоб қилган экан. Бир кун қўнғироқ қилиб, уни шоир ижодининг толмас тадқиқотчиси Дониёр Бегимқулов олиб боришини айтди. Кўлёмзани ўқиб, чоп этишга тайёрландим. Китоб 2015 йилда “Янги шеърлар” номи билан чоп этилди. Абдулла ака китобни кўриб, бениҳоя хурсанд бўлди. “Сиз менга бир вақтлар Абдулла Қаҳҳор қилган яхшиликни қайтардингиз”, деб қайта-қайта дуолар қилди.

Бу орада Абдулла ака Америкада довланиб келди. Яна янги ёзилган шеърларини 2016 йилда “Эверест ва уммон” номи билан чоп этдик. Китобни қўлига олган шоир қувончининг чегараси йўқ эди... Нишона



нусхасидан шоир укамуз Файрат Мажид билан Абдулла акага олиб бордик. Эҳ-хе, шоирнинг қувончини кўрсангиз эди.

У киши 2016 йил сентябрда яна Америкага довлангани кетди. Устоз Неъмат Аминов айтганидек: “Абдулла Орипов шамга ўхшаб охиригача ёнади”. Айнан шундай бўлди.

Абдулла ака Америкадан қўнғироқ қилар, янги ёзган шеърларини шоир Алишер Назар интернет орқали олиб, пешма-пеш бизга келтириб беради.

Абдулла ака АҚШнинг Хьюстон штатида довланаётган эди. У киши билан қунора кеч соат тўқизлар атрофида телефонда гаплашардик. Баъзан янги шеърларидан ўқиб беради.

Ўша кунни 2016 йилнинг 3 ноябри эди. Президентликка номзод Шавкат Мирзиёевнинг Нурота туманида Навоий виллояти сайловчилари билан 4 ноябрдаги учрашувидан мен ҳам иштирок этдим. Шундан сал аввалроқ Абдулла ака Америкадан қўнғироқ қилди. Ҳол-аҳвол сўрагандан сўнг учрашувда иштирок этишимни айтдим. Абдулла ака кутилмаганда хурсанд бўлиб, бундай деди:

— Укажон, ҳаммаси зўр бўлади. Худо хоҳласа, Шавкат Мирономович, албатта, Президент бўлади. Бундан ўзбек халқи ва Ўзбекистон кўп нарсаси ўтди. Ҳаёт ва тараққиёт яхши томонга ўзгаради. Мени айтди дейсиз, мутлақо янги йўлдан кетамиз, — деди. Улуг шоирнинг чин дилдан айтган дуоси ижобат бўлди.

МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

СУЛТОН МАТҚУЛ: “МУСТАҚИЛ ТАШҚИ СИЁСАТНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ МУҲИМДИР!”



Баҳром ИРЗАЕВ, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи катта илмий ходими

Жадидлар ҳаёти акс этган тарих саҳифаларида дипломатик муносабатлар ва энергетика борасидаги инновацион ғояларни ҳаётга татбиқ этишга ҳаракат қилган зиёлиларимиздан бири Султон Матқулнинг фожияларга тўла ҳаёти акс этган лавҳалар ҳам ўрин олган.

Султон Матқул 1902 йил 15 декабрь кунни Хўжанд шаҳрида дунёга келган. Унинг отаси Матқул Алибеков рус тили ва Европа маданияти билан таниш, Хўжандда илк пахта заводини очган давлатманд инсонлардан бўлган. Султон аввал жадид ва рус-тузем мактабларида, сўнг мадрасада таълим олди. У тахсилни давом эттириш мақсадида Тошкентга келиб, тараққиёлпарвар ёшлар сафидан ўрин олди. 1922 йил Тошкентда Султон Матқул “Кўмак” уюшмасининг ташаббускорларидан бири бўлди. Туркистон Республикаси раҳбарлари Абдулла Раҳимбоев, Акмал Икромов, Усмонхон Эшонхўжаев мазкур уюшманинг маҳаллий ёшларни Германияга йўллаш ғоясини қўллаб-қувватлаганди.

1922 йилнинг сентябрида Султон Матқул, Аҳмадхон Иброҳим, Тўлаган Мўмин, Солиҳ Мухаммад, Хайринисо Мажиҳдихонова, Мариям Султонмуродова, Тоҳир Шоқир, Темирбек Қазбек, Собир Иброҳим, Абдуваҳҳоб Исҳоқ, Азимбек Беримжон ҳамда Саида, Насриддин ва Фузайл Шераҳмедовлардан иборат гуруҳ Тошкентдан Германияга йўлга чиқади.

Султон Матқул дастлаб Берлиндаги хориқликлар учун оломон тили курсида, сўнг гимназияда ўқиди. 1926 йилда Берлин олий техника институтининг электр муҳандислиги факультетига ўқишга кирди. У таҳсил билан бир пайтда Туркистон ҳукуматининг Германиядаги талабалар ўртасидаги вақили сифатида иш олиб борди. У талабаларнинг иқтисодий муаммоларига имкони доирасида ечим топишга интилди, тўғараклар ташкил этиб, уларнинг сифатли таълим олишига қўмақдош бўлди.

Қаҳраонимиз таҳсилнинг сўнгги йилида Берлин университетининг кимё факультетида таълим олган Бася Овсеевна Райбман билан турмуш қуради. Асли Литвада яҳудий савдогар оиласида туғилган Бася ҳаётининг қолган қисмини Султонга бағишлайди.

1931 йил Ватанга қайтган ўзбек зиёлиси Тошкентда Ўзбекэлектрлаштириш бошқармасида иш бошлади. 1935 йилдан “Ўзбекэнерго”да бош муҳандис бўлиб, республикада электротехника тармоқларини ривожлантириш, электр қувватидан саноат объектларида рационал фойдаланишни йўлга қўйишга интилди, электр тизимини замонавий илм асосида бошқаришда тўплаган назарий ва амалий билимларини ишга солди. У Германия тажрибаси асосида “Ўзбекэнерго” қошида махсус ўқув курси ташкил этиб, соҳада маҳаллий кадрлар тайёрлай бошлади. Иқтидорли ёшларни Россия олий таълим даргоҳларига ўқишга йўллади.

Немис тилидан ташқари, инглиз ва француз тилларини мукаммал билиши орқали жаҳон сиёсатида кечаётган жараёнларни чуқур тушунган Султон Матқул Ўзбекистон ҳукуматининг мустақил ташқи сиёсатини ишлаб чиқишда муҳим шахслардан бири эди. Унинг ташаббуси билан Ўзбекистон ҳукумати Буюк Британиянинг Афғонистондаги элчисига чиқиб, мавжуд ерошти ресурсларидан концессия бериш эвазига Англия билан иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш, янги техника ва технологиялар келтиришга ҳаракат қилди.

Султон Матқул Германияда олган билими ва энергетика соҳасидаги инновацион ғояларини ўзи 1937 йилдан бош муҳаррири бўлган ЎзССР Фан комитетининг “Социалистик фан ва техника” журналида ёритиб борди.

Аммо бу узоққа чўзилмади. Кўза кўринган ва иқтидорли ёш сиёсатчини шу йил августда ЎзССР ИИХК (Ички ишлар халқ комисса-

лигига алоҳида далил сифатида баҳоланди.

Султон Матқул бир йилдан ортиқ қамоқда сақланиб, 1938 йил 9 октябрь тонгида атиги 20 дақиқача давом этган мудҳиш “учлик” судида ватанга хиёнат, ҳарбий ва давлат сирларини сотиш, шпионаж, Совет давлатига қарши теракт, ва аксиклиққилибый ташкилотга аъзолик каби сохта жиноятларда айбдор деб топилиб, отувга ҳукм этилди. Ҳукм ўша кунгидея ижро этилди.

Турмуш ўртоғи Бася Овсеевна 1954 йилда СССР Министрлар Советига ариза ёзиб, турмуш ўртоғини “мисли тенгсиз ватанпарвар” деб таърифлайди. У, шунингдек, турмуш ўртоғи билан бир камерада бўлган “Тошкентнинг Бешоғоч мавзесида, мутахассислар уйда яшаган Алиев”ни қидириб топганини ёзади. Гувоҳнинг айтишича, совет терговчилари уни салкам бир ой давомида тик оёқда қўйиб, тинимсиз жисмоний куч ишлатиб



рияти) комиссари Николай Загвоздин қамоққа олиш буйруғини берди. Матқул аксиклиққилибый “Озод Туркистон” ташкилоти аъзоси бўлишда ҳамда Мустафо Чўқай, Заки Валидий раҳбарлигидаги “Мустақил Туркистон” ташкилотидан ишлаган ва 1935 йил Москвада жосус сифатида қамоққа олинган бошқа арбоб билан алоқада бўлишда айбланди.



Шу куннинг ўзидан унинг Тошкент шаҳри 3-Жуковский берккуча 4-уйида тинтув ўтказилиб, ўзи қамоққа олинди. Издан чиқриллаб қолган 3 ёшли қизи Алмира, турмуш ўртоғи Бася ва қариндошларига ҳеч қандай изоҳ берилмади.

Сўроқ вақтида Султон Матқул Фаёзулла Хўжаев бошчилигидаги делегация Германияга борганида уларни қутиб олиш ва қозатишга раҳбарлик қилганини, Тошкентдан немис профессори билан илмий алоқа ўрнатгани, Германияда ўқиётган талабаларга немис профессори орқали давлат ҳисобидан 10-15 минг сум микдоридан пул юборганларини “ҳикоя қилди”. 1937 йил 22 декабрь кунни сўнгги сўроқда у терговни тутатинг, бошқа ҳеч нарса қўшимча қила олмайман, деб имзо чекди.

Шундан сўнг ишга Султон Матқул ишлаган ташкилотлардан унинг “жиноят”ларини исботловчи маълумотномалар, аввал сўроқ қилинган сафдошлари “икрорномалари”дан парчалар тикилди. Унда, жумладан, Акмал Икромовнинг Султон Матқул келажақда Европа билан алоқа ўрнатишимизда ишончли дипломатимиз бўлади, деган гапи унинг жиноятчи экан-

таҳқирлаган ҳолда сўроқ қилган. Матқул бутунлай ҳолдан тойиб, уйқусизликдан ақлдан озиш даражасига етган, терговчилар тутган ҳар қандай қозғоларга ўқимасдан имзо чекиб берган.

“Алиевнинг айтишича, эрим камerasига қайтган, узоқ вақт уйкуга кетган, уйкудан уйғонгач ҳам ўзига кела олмаган. У камерасида бор овози билан қичқираверган: “Кимдир бу ердан тирик чиқса, агар бирортангиз тирик қила олсангиз, менинг яқинларимга, хотинимга етказинглар, менинг ҳеч бир гуноҳим йўқ! Мен ҳаммасини ёзиб берганман!” деб қайраётган экан. Шундан сўнг яна у уч кун ўзига кела олмаган, жиннисифат бўлиб қолган, бир гапирган, бир қулган, бир йиллаган”, дея тафсилотларни ёзган Бася Матқул.

Шу ариза ортидан Султон Матқул иши юзасидан қайта текширувлар бошланди ва қўлгина гувоҳлар қайта сўроқ қилинди.

Аризасидан бир йил ўтиб, Бася Овсеевна Москвага терговга чақирилди. Сўроқда кўпроқ унинг Султон Матқулни бундай қийнашганини кимдан ва қаердан эшитгани билан қизиқишди. Султоннинг қарийб бир йилдан ортиқ вақт давомида қайси камераларда, қимлар билан бўлганини аниқлашди. Уларнинг орасида Мамадани ва Юсуф Алиевлар бўлгани аниқланди. Терговчилар уларнинг ёнига яна уч сураат қўйиб, Басядан қайси биридан эшитганини сўради. Бася Овсеевна сураатдагиларни танимаганини айтди ва Алиевларнинг қимлигини ошкор қилмади.

Матқул билан “Ўзбекэнерго”да бирга ишлаган сафдошлари ҳам яна сўроққа чақирилди. М.Земенок ва А.Малибаченко исмли ҳамкасблари ўзларидан ички ишлар идорасида Султонга қарши ёлғон қўрсатма талаб қилишгани ва куч билан Матқулни қаролловчи ҳужжатларга имзо чекишга мажбурланганларини тан олдилар. Нихоят 1956 йил 12 ноябрда Султон Матқул СССР Олий суди томонидан оқланди.

Султонига умрбод сароқатда қолган Бася Овсеевна узоқ йиллар унинг қариндошлари билан ҳам илиқ муносабатларни сақлади. Қизи Алмира отаси изидан бориб, кимегар олима бўлиб етишди.

Жадида, илгор зиёлилар сафидан бўлган Султон Матқул дипломатик алоқалар ва энергетика борасидаги ғоялари билан замонадошлари эътирофига сазовор бўлган. У қисқа умр кечирган бўлса-да, миллат равнақи учун се-зи-ларли янгиликлар ва ўзгаришларни ҳаётга татбиқ эта олган жонқуяр ва фидойи инсон эди.